

СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 45 (1369) • 2020 йил 10 ноябрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

КЎЧМА ВА ҚАТНАШ ТУСИДАГИ ИШЛАР УЧУН УСТАМАЛАР

Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатлари

2-бет

Ақциз солиғининг ҳисоби қандай юритилади?

5-бет

Сугурта компанияси сугурта пули суммасига ЭХФ тақдим этиши керакми?

6-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-10-бетлар

Банк таклиф этаётган кэшбэк – нима у?

12-бет

Чет эллик ходимнинг «касаллик варақаси»: солиқ ҳисоби ва бухгалтерия ўтказмалари

13-бет

СОРЖ нима? Солиқ кодексда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган

14-бет

Божжона почтасида қандай савол бор?

15-16-бетлар

УСТУВОРЛИКЛАР

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ СОЯДАН ОЛИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА АНИҚ МЕХАНИЗМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Мамлакатимиз божжона тизимида яширин иқтисодиётнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона кўмитаси раиси Муротжон АЗИМОВ билан суҳбатлашди.



Бутун дунё иқтисодиёти икки томонга бўлинган. Бири қонуний иқтисодий фаолият бўлса, иккинчи томонда соя остидаги норасмий иқтисодий алоқалардир.

Экспертларнинг сўнгги ҳисоб-китобларида кўра, жаҳон иқтисодиётининг тахминан 27,8 фоизи соя остида.

Жаҳондаги ишчи кучининг 50 фоизга яқини айнан норасмий сектор иши билан банд.

Биз бу борада Давлат божжона кўмитаси раисининг фикрлари билан кизиқдик.

– Маълумки, божжона органларининг асосий вазифаларидан бири божжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, шу жумладан, контрабанда-нинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳисобланади.

Ушбу йўналишда яширин иқтисодиётни қисқартириш, мамлакатимиз ички бозори ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, божжона қонун ҳужжатлари бузилиши ва контрабандага қарши курашиш, шунингдек, божжона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш каби ишларда ҳам божжона органлари томонидан ишлаб чиқилган ахборот тизимлари республикамизга товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услубларини, божжона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда божжона тартиб-тамоийли-

ларини янада соддалаштириш, божжона тизимида рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали инсон омилини камайтириш, божжона назорати шакллари хавфларни бошқариш ахборот тизимлари ёрдамида танлаш принцип-ларига асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Шу асосда «Рақамли божжона»га ўтиш борасида ҳам кенг камров-ли ишлар олиб борилмоқда.

Бугун божжона органларида қўлланилаётган 56 та ахборот тизими ва 28 та интерактив хизмат мавжуд. Хусусан, божжона органларида «Хавфни бошқариш» тизимининг жорий этилиши натижасида бугунги кунда қонунга итоаткор тадбиркорларнинг экспорт ва импортга йўналтирилаётган маҳсулотлари тезкорлик билан божжона расмийлаштирувудан ўтказилмоқда. Бу эса товар ва транспорт воситаларининг ялпи божжона назоратидан ўтказишдан воз кечган ҳолда божжона қонунбузилишларини аниқлаш самарадорлигини оширишга олиб келади. Энг муҳими, бу жараёнларда инсон омилни сезилар-ли равишда қисқаради.

Ташқи иқтисодий фаолият ишти-рокчиларини хавф да-ражасига қараб тои- 3-бетда фаларга ажратилиши

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

АВТОТРАНСПОРТНИ БОЖЖОНАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Давлат божжона кўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги қарори (АВ рақами 2156-3, 26.10.2020 й.) Божжона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божжона расмийлаштирувудан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжат Президентнинг «Божжона маъмуриятчи-лигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси дав-лат божжона хизмати органлари фаолиятини тако-миллаштириш тўғрисида»ги Фармонида (5.07.2020 йилдаги ПФ-6005-сон) мувофиқ қабул қилинган.

Хусусан, Низомнинг 7-бандида энди аниқлаш-тирилишича, автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқишда мажбуриятнома тузилади, у «Авто» ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кириш божжона пости ходими томонидан дав-лат, рус ва инглиз тилларидан бирида чоп этилади ҳамда ҳорижий автотранспорт воситасининг эгаси-га берилади.

Низом куйидаги мазмундаги 12-1-банд билан тўлдирилди:

«Вақтинча олиб кириш муддати тугашидан ол-дин Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб ке-таётган хайдовчи божжона органига автотранспорт воситасини вақтинча сақлаш учун ёзма ёки элект-рон тарзда мурожаат қилган тақдирда, ушбу автот-ранспорт воситаси божжона органи томонидан бел-гиланадиган жойларда вақтинча сақлаш даври учун 16-бандда кўрсатилган йиғим тўланмайди, бундан автотранспорт воситасини сақлаш билан боғлиқ ҳа-ражатлар мустасно ҳисобланади».

17-банднинг янги тахрири энди вақтинча олиб ки-риш муддати тугашидан олдин ушбу муддатни узайти-риш учун ҳорижий автотранспорт воситасининг эгаси белгиланган муддат тугашидан аввал ҳорижий автот-ранспорт воситаси турган жойдаги божжона постига



муддатни узайтиришни сўраб ёки электрон тарзда ма-софадан тўловларни амалга оширган ҳолда реал вақт режимида мурожаат қилини зарурлигини назарда ту-тади. Мурожаатга 16-бандда назарда тутилган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини илова қилиш лозим. Тегишли божжона пости муддатни йи-ғим қанча муддат учун тўланган бўлса, шунча муддатга узайтирилади ва «Авто» тизимида унинг муддати узай-тирилганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади.

Қарорда Низомга бошқа ўзгартиришлар ҳам на-зарда тутилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари мил-лий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан кучга қиради.

Лола АБДУАЗИМОВА.

КЎЧМА ВА ҚАТНАШ ТУСИДАГИ ИШЛАР УЧУН УСТАМАЛАР

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар ҳисобини қандай тўғри юритиш мумкин? Уларни тўлаш чоғида ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ оқибатлари юзага келадими? Агар ходим устамалар олаётган бўлса, унга «суткалик» тўланадими? Ниҳоят, бундай тўловлар бўйича ҳисобот қандай топширилади? Масалаларга buxgalter.uz ойдинлик киритади.

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар билан боғлиқ устамалар тўлаш тартиби махсус Низом билан тартибга солинади (6.09.2019 йилдаги 743-сон ВМҚга 3-илова).

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати ва устамалар миқдори:

- иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар-

нинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда шакллантирилади;

- жамоа шартномасида ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилади.

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамаларни:

- белгиланган меъёрларда тўлаш;
- жамоа шартномасида бошқа миқдорларда белгилаш мумкин.



Доимий иши кўчма ёки қатнаш хусусиятга эга бўлган ходимларнинг хизмат юзасидан сафарда иш бажариши хизмат сафари деб ҳисобланмайди. Кўчма ёки қатнаш хусусиятга эга бўлган иш учун устамалар тўланадиган ходимларга суткалик пуллар тўланмайди.

Кўчма ёки қатнаш тусидаги ишни ходим хизмат автомобилдан фойдаланган ҳолда ёки ундан фойдаланмаган ҳолда бажариши мумкин. Охири ҳолатда унга йўлқира харажатлари

копланеди. Шунингдек, иш берувчи унинг руҳсати ёки розилиги билан сарфланган бошқа харажатлари ҳам қоплаши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

Кўчма ва қатнаш тусидаги иш учун устамалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларга киритилади:

- узоқ муддатли активлар ёки товар-моддий захиралари счётига (0800, 1000 ва х.к.), агар устамаларни тўлаш уларни сотиб олиш ёки барпо этиш билан боғлиқ бўлса;

- маъсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархига – ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган ходимлар бўйича (5.02.1999 йил-

даги 54-сон ВМҚ билан тасдиқланган Низомнинг 1.2.3.5-б.);

- реализация қилиш бўйича харажатларга – товарларни, ишларни, хизматларни реализация қилишда иштирок этаётган ходимлар бўйича (маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари) (54-сон Низомнинг 2.1.2.1-б.);

- маъмурий харажатларга – бошқарув ходимлари бўйича (54-сон Низомнинг 2.2.1-б.).

Бухгалтерия ўтказмалари:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устама ҳисоблаш (қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида)	Харажатлар, узоқ муддатли активлар ТМЗ ҳисоби счёти	6990-«Бошқа мажбуриятлар»

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устама ҳисоблаш (қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча)	Харажатлар, узоқ муддатли активлар ТМЗ ҳисоби счёти	6710-«Меҳнат хақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»
Қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча устама суммасига ЖШДС ҳисоблаш	6710-«Меҳнат хақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
ШЖБПХга бадал ушлаб қолиш (қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча устама суммаси бўйича)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6530-«Шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларга тўловлар»
Қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча устама суммасига ижтимоий солиқ ҳисоблаш	Харажатлар, узоқ муддатли активлар ТМЗ ҳисоби счёти	6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»
Кассадан устама тўлаш (иш хақи таркибида)	6710-«Меҳнат хақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» 6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»
Устамани пластик картага ўтказиш (иш хақи таркибида)	6710-«Меҳнат хақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» 6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Солиқ оқибатлари

Амалий бухгалтерия	Қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида, бироқ ойна МХЭМнинг 1 бараваридан ортиқ эмас	Қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча
Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи	Жисмоний шахснинг даромади сифатида ҳисобланмайди (СК 369-м. 2-қ. 9-б.), демак, ЖШДС солинмайди	Компенсация тўловларига – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қиради (СК 371-м., 373-м. 5-б.) Жами даромад таркибида солиқ солинади
Ижтимоий солиқ	Солиқ солинмайди, сабаби жисмоний шахснинг даромади сифатида ҳисобланмайди	Солиқ солинади, сабаби компенсация тўловларига – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қиради (СК 371-м., 373-м. 5-б.)
Юридик шахслардан олинган фойда солиғи	Чегириланган харажат, сабаби чегириб ташланмайдиган харажатларнинг «ёпиқ» рўйхатига кирмайди (СК 317-м.)	

Солиқ ҳисоботида қандай акс эттирилади?

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча устамаларни ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳи-

соб-китобида акс эттиринг (4-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.):

- 010 ва 011-сатрларда;
- Ҳисоб-китобга 5-иловада.

УШБУ СОНДА:

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Яширин икитисоидётини соядан олиб чиқиш бўйича аниқ механизм жорий этилди
1, 3-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Автотранспортни бошхонадан ўтказиш тартиби ўзгарди
1-бет

• АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар
2-бет

• МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ

– СОРЖ-199 бўйича қарзни нима қилиш мумкин?
– Чет элдан товар олиб кирдиғизми – ҚҚС тўловчиси бўлдингиз
– СОРЖ қандай ҳисобланади
– ЭХФ: бюджет ташкилотлари – истисно эмас
4, 14-бетлар

• СОЛИҚ СОЛИШ

– Товар ёки хизматларни сотиб олишда акциз солиғи
– Турар жой ижараси – хизмат сафари харажати
– ФХШ ва у бўйича солиқлар
– Суғурга пули суммасига ЭХФ
– Лизингга берувчидан олинган солиқлар
5-6-бетлар

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
– «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Махкамасининг қарорлари:

– «Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳалари-

ни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ошқор этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Аҳолига тақдим этилаётган давлат хизматларини кўрсатишда шахсни тасдиқлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «UzVC» миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

– ЎзР ДБК, ИИВнинг «Божхона чегарасидан олиб ўтлаётган автотранспорт воситаларини бошхона расмийлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори
7-10-бетлар

• ЮРИСТ ШАРҲИ

– Учинчи шахслар билан тўловларни ҳисобга ўтказишга таққининг мумимо ва зиддиятлари
11-бет

• ҚҚС ҲАҚИДА

– Банк кэшбэк таклифи этди
– ҚҚС: Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган юридик шахсга хизматлар
12-бет

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Чет эллик ходимга «касалик варақаси» бўйича ҳақ тўлаш: бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатлари
13-бет

• БОЖХОНА

– Тадбиркорлар учун ижобий шароитлар
– Иктиёрий сертификатцияни ўтказиш мумкин
– Келишдан бир соат олдин хабардор қилинади
– Алоҳида турдаги товарлар маркировкалангани керак
– Вагоннинг тағди деб ким ўйлабди?
15-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ СОЯДАН ОЛИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА АНИҚ МЕХАНИЗМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

1-бетда

натижасида божхона кўриклари сони 1,4 баробарга камайиб, самарадорлиги 1,5 баробарга ошди. Божхона расмийлаштируви вақти экспортда 1,7, импортда 1,4 баробарга қискарди. Хозирги кунда 62 фоиз товарлар соддалаштирилган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилмоқда.

2020 йил 1 январдан «Ягона дарча» божхона ахборот тизими ишга туширилиб, ташқи иқтисодий фаолият жараёнлари учун зарур бўлган рухсатнома (сертификат) ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнлари электрон кўринишга ўтказилди. Мазкур тизимга 5 та органнинг 16 та рухсат бериш тусидаги ҳужжатни инсон омилсиз бериш тартиби жорий қилинди.

Замонавий ахборот-коммуникация ютуқлари ва «мангикий назорат» функцияларини жорий этиш орқали товар ва транспорт воситалари устидан назоратни кучайтириш натижасида жорий йилнинг ўтган даврида давлат бюджетига 18,7 триллион сўм божхона тўлови ундирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,7 триллион сўмга кўп.

Божхона процедураларини соддалаштириш ҳамда хавф юқори бўлган объектиларда назоратни кучайтириш натижасида 461,2 миллиард сўм қўшимча маблағ ундирилди. 104 та ҳужжали юритувчи субъект томонидан 67,5 миллиард сўмлик имтиёزلардан қўшимча равишда фойдаланиш ҳолати фош этилди.

Шунингдек, божхоначилар томонидан 7,7 мингдан ортиқ божхона қоидабузарликлари аниқланиб, қарийб 308 миллиард сўмлик товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган. Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 262 миллиард қўшимча божхона тўлови ҳисобланди. Ноқонуний товарларни сақлашга мўлжалланган 98 та «яма» аниқланиб, 19,4 миллиард сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Сифати кафолатланмаган қўлбола маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 5 та «яширин цех» фош этилиб, 280,8 миллион сўмлик товарлар ашёвий дилик сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, 237 килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси, 2 минг 214 туп гиёҳвандлик ўсимлиги, 6 минг дона таркибда гиёҳвандлик моддалари бўлган таблетка ва 245 минг дона рухиятга таъсир килувчи дори воситасининг ноқонуний айланishiга чек қўйилди.

Шу ўринда барча чегара постларига ўрнатилган замонавий ахборот коммуникация технологияларининг салмоқли ютуғи ҳисобланадиган божхона назорати сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаётган инспекцион кўрик мажмуалари (ИКМ)га алоҳида тўхталмоқчиман. Бугунги муваффақиятларимизнинг бош омиллини ҳам ИКМлардан самарали фойдаланишда, деб биламан.

Масалан, «Сарносйё» темир йўл божхона постида қўшни давлатдан Ўзбекистон худуди орқали хорижга ўтиш мақсадида кириб келган 2 та ёпик вагон «Nuktech» русумли инспекцион кўрик мажмуаси орқали сканердан ўтказилган. Натижада хар икки вагоннинг остига махсус темир листлар пайвандланиб, тайёрланган яширин жой топилган. Мазкур жойлар кейинчалик

хизмат итлари ёрдамида текширилганда, иккита вагонда қарийб 172,5 кг гиёҳвандлик моддаси яширилганлиги аниқланди.

Транзит билан боғлиқ яқинда аниқланган битта ҳолатда 10 миллиард сўмлик сохта «транзит операцияси»га чек қўйилди. Қорақалпоғистон Республикасидаги «Доут ота» чегара-божхона пости орқали кирган ва Андижон вилояти орқали қўшни давлатга транзит равишда чиқиб кетаётган 2 та юк автотранспорт воситасининг ИКМ тасвирлари Андижон вилоятидаги «Дўстлик» божхона пости ходимлари томонидан солиштирилганда товарлар ўртасида кескин тафовут аниқланди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида аниқланишича, юк автотранспорт воситаларига ортилган 6 миллиард 502 миллион сўмлик 24 турдаги 9 минг 113 дона хорижда ишлаб чиқарилган товар Зағиота туманида жойлашган оморда тушириб қолдирилган.

Автотранспортларга эса уларнинг ўрнига божхона қиймати паст бўлган пўкак, елим, иш кийими ва кўлқоплар, резина этик ва болгалар ортилган. Ҳуқуқбузарлардан жами қиймати 9 миллиард 850 миллион сўмдан ортиқ товар ва транспорт воситалари вақтинча сақловга олинди. ИКМ ёрдамида аниқланаётган бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин.

– Президентимизнинг жорий йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикасида давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони асосида Давлат божхона қўмитаси тузилмасида Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси қайта ташкил этилди. Мазкур тизим фаолияти ва амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берсангиз.

– Қисқа давр ичида мазкур тузилма томонидан товарлар чиқариб юборилгандан кейин божхона назорати йўналишида 46 миллиард сўмдан ортиқ божхона тўлови ҳисобланди ҳамда 6 миллиард сўмлик товар моддий бойликлари якуний суд қарори қабул қилинунга қадар вақтинча сақловга олинди.

Фармон ижроси доирасида ҳалол ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига нисбатан соддалаштирилган божхона тартиб-тамоийларини қўллаш қўламини кенгайтириш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш мақсадида «Божхона аудити» ахборот тизими жорий этилиши белгиланган.

Мамакатимиз божхона тизимида ҳам мазкур амалиётнинг жорий этилиши ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси фаолиятини товарлар чиқариб юборилгандан кейин баҳолаш ҳамда ҳисобини текшириш имкониятини яратди. Натижада божхона расмийлаштируви жараёнида юкларни ялпи божхона назоратидан ўтказишга асосланган текширишлардан буткул воз кечилади. Яъни, «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган тизими орқали импорт қилинган товарлар устидан самарали назорат амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур амалиёт АҚШ, Россия, Канада, Япония, Хитой, Корея Республикаси ва Европа

Иттифоқи мамлакатларида кенг қўлланилмоқда.

Ўз ўрнида, товарлар чиқариб юборилганидан кейин хавф принциплари доирасида уларни комплекс текшириш имкониятининг мавжудлиги товарларни божхона чегарасига кириб келиши ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнидаги назорат тадбирларининг қисқартиришга олиб келади. Аксича, қонунчилик талабларини бузишга уринган ноҳалол тадбиркорлик субъектларига нисбатан тўлақонли божхона назоратини назарда тутати. Бу эса ўз ўрнида, яширин иқтисодиётни қисқартиришга ва олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида ўзаро ахборотлар алмашинуви юзасида ҳамкорлик бўйича имзоланган Меморандум ижроси доирасида импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилишини назорат қилиш бўйича ягона базани яратиш юзасидан ҳам аниқ амалий ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ушбу тизимни жорий этилиши натижасида айрим ноҳалол тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ноқонуний хати-ҳаракатларга нисбатан ўз вақтида чора қўриш, товарларнинг ноқонуний айлануви ва импорт товарларининг яширин савдосини қисқартириш ҳамда ҳалол рақобат муҳити шакллантирилишига имконият яратди.

– Ҳозирги кунда Ўзбекистонга хориждан олиб келинаётган товарларнинг асосий улуғи қайси транспорт орқали олиб келинмоқда, импорт маҳсулотлари устидан қандай божхона назорати ўрнатилган?

– Мамакатимиз божхона чегаралари орқали импорт қилинган товарларнинг ўртача 60 фоизи темир йўл, 33 фоизи автомобиль ва 7 фоизи авиатранспортда ташилмоқда. Бундан қўришиб туридими, ҳозирги кунда республикага хориждан олиб келинаётган товарларнинг асосий улуғи айнан темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Бу эса темир йўл орқали ташиллаётган импорт маҳсулотлари устидан самарали божхона назоратини ўрнатиш ва бу йўналишда ҳам янги ахборот тизимини яратиш ҳамда божхона ахборот тизимларига интеграция қилишни тақозо этади.

Бу борада Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан биргаликда маълумот алмашиш ишларини автоматлаштириш масаласида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Яширин иқтисодиётнинг яна бир омили коррупция ҳисобланади. Ушбу йўналишда божхона ибораларида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Очқиклик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчилик, нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муроасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш таъминланади.

– Бундан ташқари, яширин иқтисодиётнинг яна бир омили бўлган коррупцияни қисқартириш масаласида Давлат божхона қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши қаратилган профилактика-тарғибот тадбирларини янада кучайтириш, бу борада мувофиқлик тизимини такомиллаштириш, божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омиллини қисқартириш, давлат бюджетига божхона тўловлари тушумини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Йўл харитаси» ижроси доирасида халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ, Давлат божхона қўмитасининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати ҳамда божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар ва коррупция аломатларини фош этишда қўмақ қўрсатаётган шахсларни рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга тағбиқ этилади. Шунингдек, тизимда Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик – «compliance control» тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан бизнеснинг «соядан» чиқилиши рағбатлантириш, солиқ режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Фармонда белгиланган тартиблар орқали солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан, солиқлардан бўйин товланган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга эътибор қаратилади. Ўтказиладиган текширувлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўлга қўйилди.


Яширин иқтисодиётга таъсир қилувчи омил сифатида коррупцияни қисқартириш мақсадида давлат органлари, шу жумладан, ҳудудларда коррупция даражасини рейтинг баҳолаш методикаси ишлаб чиқилади, шунингдек, рейтинг натижалари даврий эълон қилинади ҳамда раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини баҳолаш тизими жорий қилинади.

Яширин иқтисодиётга қарши курашишнинг «кўп векторли» тусга эга экани ҳамда кўплаб вазирлик ва идораларнинг иштирокини тақозо этишини ҳисобга олиб, Молия вазирлиги ички органи ҳисобланадиган Махсус комиссия ташкил этилади.

Шаҳноза МАМАТУРОВА сўхбатлашди.
Ў.А.

СОРЖ-199 БЎЙИЧА ҚАРЗНИ НИМА ҚИЛИШ МУМКИН?

СОРЖ тушунчаси нима эканлигини ва у 2 турда бўлишини билиб олгач, тахририят ДСҚнинг маълумотномасида СОРЖ-199 бўйича қарзга доир ёзув қаердан вужудга келишини тушунтириб беришни ДСҚ Жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бўлим бошлиғи Ўткир НИЁЗОВдан илтимос қилди.



– ДСҚ томонидан берилган маълумотномадаги бундай ёзув ҳар доим солиқ тўловчи солиқни СК-да белгиланган муддатлардан кечроқ тўлаганлигини ёки унда солиқ қарзи мавжудлигини билдиради. Қаерда солиқ қарзи мавжуд бўлган бўлса ёки мавжуд бўлса, СК-нинг 110-моддасига асосан пеня ҳисобланади. Қаерда пеня бўлса, ҳар доим Солиқ органларини ривожлантириш жамғармасига (СОРЖ) тўлов бўлади.

Гап алоҳида ҳисобвараққа ўтказиладиган, ҳисобланган пенянинг 40%и миқдоридидаги мажбурий ажратма хусусида бормоқда (12.01.1998 й. 14-сон ВМҚ 5-б.). Пенянинг қолган 60%и СКнинг 110-моддасига асосан тўлов муддати ўтказиб юборилган солиқ суммаси ҳисобварағига тўланади.

Қоидага кўра, бундай маълумотномаларда ҳисобланган солиқ ва солиқ ҳисобварағига тўланадиган пенянинг бир қисми (60%), суммада кўрсатилади. СОРЖга тўлов барча маълумотномаларда алоҳида сатрда ажратилиб кўрсатилади.

Солиқ бўйича қарз, пеня ва СОРЖга тўловни солиқ органларининг ахборот тизими автоматик равишда ҳисоблайди. Бироқ ушбу қарзни сўндириш – солиқ тўловчининг вазифаси. У 2 та тўловни амалга ошириши керак: биринчиси – у бўйича қарз мавжуд бўлган ёки мавжуд солиқнинг ҳисоварағига, иккинчиси – СОРЖ ҳисоварағига.

СОРЖни тўлаш бўйича муаммолар, қоидага кўра, жисмоний шахсларда ер ва мол-мулк солиқларини тўлаш бўйича юзага келади. Хатар гуруҳида биринчи навбатда тўловни кечиктирган ва бунда йил бошида солиқ органи томонидан ёзиб берилган хабарнома асосида тўлов мобил илова ёрдамида тўлаганлар бўлади. Улар шунчаки ҳисобланган пеняни ва СОРЖга тўловни кўришмайди.

Солиқлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳаққоний

ахборотни *my.soliq.uz* да солиқ тўловчининг шахсий кабинетидида олиш мумкин. Шахсий кабинетнинг бош саҳифасида «Ҳисобварақларнинг жорий ҳолати» бўлими мавжуд, «Такослаш далолатномаси ва шахсий карточкалардан кўчирмалар» ҳаволаси бўйича ҳисобланган солиқлар ва қарз ҳақида батафсил ахборот олиш мумкин.

Қоидага кўра, жисмоний шахслар берадиган яна битта саволга эътибор қаратамиз – СОРЖга тўловнинг миқдори ҳақида. Сумма – қатга эмас, бироқ битимни расмийлаштиришда қарзнинг мавжуд эмаслиги текширилганда, муайян нуқулалликлар келтириб чиқаради. Янада ойдинлаштириш учун мисолда ҳисоб-китоб қиламиз.

Таъкидлаб ўтаманки, амалиётда солиқ тўловчи ҳеч қандай ҳисоб-китобни амалга ошириши шарт эмас – уларнинг барчаси солиқ органларининг ахборот тизими томонидан автоматик тарзда амалга оширилади. Тўланиши лозим бўлган суммани солиқ тўловчининг шахсий кабинетидида кўриб чиқиш мумкин ёки хизмат кўрсатиладиган жойдаги инспектордан аниқлаштириб олиш мумкин.

Хуллас, солиқ тўловчи-жисмоний шахс 2020 йил учун ер солиғининг 500 минг сўм миқдоридидаги иккинчи қисмини 15 октябрга (СК 440-м.) қадар тўлаши даркор эди. Бироқ қандайдир сабабларга кўра у бунди 26 октябрда амалга оширди.

СКнинг 110-моддасига мувофиқ ахборот тизими муддати ўтказиб юборилган 11 кун учун пеня миқдорини ҳисоблайди. МБнинг асосий ставкаси материални эълон қилиш пайтида 14%ни ташкил этади. Пенянинг фойз ставкаси шу даврда амалда бўлган қайта молиялаш ставкасининг (асосий ставканинг) 1/300 га тенг этиб қабул қилинади. 14/300 ни юз улушигача ахлатлаймиз, 0,05 ҳосил бўлади.

Ҳар бир кечиктирилган кун учун пенялар солиқнинг тўланмаган суммасидан келиб чиқиб фойзаларда белгиланади. Бизнинг ҳолатимизда – 1 кун учун 250 сўм (500 000 x 0,05 : 100).

Энди 11 кун учун пенянинг умумий миқдорини ҳисоблаймиз:

$$11 \times 250 = 2\,750 \text{ сўм.}$$

Шундан кейин СОРЖга тўлов миқдорини ҳисоблаймиз – пеня суммасининг 40%и:

$$2\,750 \times 40 : 100 = 1\,100 \text{ сўм.}$$

Пенянинг 1 650 сўм (2 750 – 1 100) миқдордаги қолган суммаси тўланган солиқ (500 000 + 1 650) билан бюджетга тушади.

Тахририятдан. ДСҚ эътиборини жисмоний шахсларда солиқ қарзини тўлашда юзага келадиган мураккабликларга қаратамиз.

1. Терминларни қўллашда бирхилликнинг мавжуд эмаслиги

Солиқлар ва тўловларнинг номлари ҳар жойда – ҳужжатларда ҳам, ахборот тизимларида ҳам – расмий ва бир хил бўлиши керак.


Биз кўриб чиқётган ажратма расман – «ДСҚнинг моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига ундирилган жарималар ва пенялардан ажратма» деб номланади (14-сон ВМҚ 5-б.). ДСҚнинг маълумотномаларида у турлича номланиши мумкин – ФРНО ёки СОРЖ. Мобил иловаларда эса фойдаланиш имконияти бор бўлган тўловларнинг умумий рўйхатида мўлжал олиш яна ҳам мушкул:

Click	PayME	Apelsin	JOYDA
<ul style="list-style-type: none"> • Мол-мулк солиғи; • Ер солиғи; • ЯИФ тадбиркорлари ижтимоий сугуртаси; • ЯИФ тадбиркорлари даромад солиғи; • Декларация асосида даромад солиғи; • Жарима санкциялари учун тўлов (СОРЖ); • Ҳисобланган пеня учун тўлов (СОРЖ-199); • Ўзини ўзи банд қилганлар учун ижтимоий солиқ 	<ul style="list-style-type: none"> • 38-ЯТТ сугурта йиғими; • 47-ЯТТ даромад йиғими; • 51-Даромад солиғи – декларация; • 66 – Мол-мулк солиғи; • 67 – Ер солиғи; • 99 – жарима санкциялари учун тўлов; • 161 – ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун ижтимоий солиқ; • 199 – ҳисобланган пеня учун тўлов 	<ul style="list-style-type: none"> • ЯТТ сугурта йиғими; • ЯТТ даромад йиғими; • Жарима санкциялари; • Ҳисобланган пеня; • Даромад солиғи – декларация; • Ер солиғи; • Мол-мулк солиғи 	<ul style="list-style-type: none"> • Мол-мулк солиғи; • Ер солиғи; • ЯИФ тадбиркорлари ижтимоий сугуртаси; • ЯИФ тадбиркорлари даромад солиғи; • Декларация асосида даромад солиғи; • Жарима санкциялари учун тўлов (СОРЖ); • Ҳисобланган пеня учун тўлов (СОРЖ-199)

2. Иловалар орқали минимал тўлов лимити

Тўлов мобил иловада белгиланган тўлаш мумкин бўлган энг кам тўловдан камроқ бўлади. Мисол учун, PayMEда энг кам тўлов 500 сўмни ташкил этади, СОРЖга ҳисобланган тўлов эса баъзан базур 100 сўмга боради. Аниқ ҳисоб-китоблар учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Олег ГАЕВОЙ.



ТОВАР ЁКИ ХИЗМАТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДА АКЦИЗ СОЛИҒИ

Корхона хар гал акцизостии товарларини импорт қилганда, ЁММ сотиб олганда ёки мобил алоқа хизматлари учун ҳақ тўлаганда, ҳисоб-варақ-фактура ёки БЮДда акциз солиғи акс этади. Сотиб олувчи корхона унинг ҳисобини қандай юритиши ҳақида buxgalter.uz илтимосига биноан «Norma» компаниясининг эксперти Дилором САИДОВА гапириб берди.

– Қийматиға акциз солиғи киритилган товарларни ёки хизматларни олишда уни ушбу товарларнинг (хизматларнинг) қийматиға киритинг. Бу сиз:

- импорт қилишда бюджетта акция солиғини тўлайдиган;
- етказиб берувчиға акциз тўлаган ҳолда акцизостии товарларини (хизматларини) сотиб оладиган вазиятларга тааллуқли.



Акциз солиғи тўловчилар учун солиқ бўйича чегирма 2019 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинган (2007 йил тахриридаги СК 237-м.; 24.12.2018 й. ЎРҚ-508-сон Қонуннинг 2-м. 59-б., 8.01.2019 йилда ўз кучини йўқотган).

АВ қийматида акциз солиғи ҳисоби

Импорт қилинаётган асосий восита товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки БЮДда кўрсатилган қийматдан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги МБ курси бўйича қайта ҳисоблаб – сотиб олиш

бўйича бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда кирим қилиниши керак (АВ рақами 1299, 20.01.2004 йилдаги 5-сон БҲМС 13-б.). Акцизостии товарлар учун бундай харажатлар жумласига акциз солиғи ҳам қиради.

МИСОЛ. Импорт ускуна сотиб олинди

Корхона шартномага асосан 10 минг АҚШ долларига ускуна сотиб олди. Божхона расмийлаштируви, етказиб берувчиға ҳақ тўлаш ва бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш пайтида МБ доллар курси 1 АҚШ доллари учун 10 400 сўмни ташкил этди.

АВ объектини кирим қилиш билан боғлиқ харажатларнинг умумий суммаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- импорт қилинаётган акцизостии товарларига акциз солиғи – 10 400 минг сўм (104 000 минг сўм x 10%);
- божхона божси (20%) – 20 800 минг сўм (104 000 x 0,20);
- ҚҚС – 20 280 минг сўм ((104 000 + 10 400 + 20 800) x 15%);
- божхона расмийлаштируви учун йиғим – 260 минг сўм;
- сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар – 5 529,5 минг сўм ҚҚС-сиз.

Бухгалтерия ҳисобига ускуна 140 989,5 (104 000 + 10 400 + 20 800 + 260 + 5 529,5) минг сўм қиймати бўйича қабул қилинади. Яъни акциз солиғи ускуна қийматиға киритилади.

Корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланади, шу боис ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинган тақдирда 20 280 минг сўм миқдориди тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олади (АВнинг бошланғич қийматиға киритмайди).

Акциз солиғининг ТМҚ қийматида ҳисоби

Агар корхона кейинчалик реализация қилиш (қайта ишлаш) учун акцизостии товарлар ёки хом ашё сотиб олган бўлса, акциз солиғини уларнинг таннархига киритинг (АВ рақами 3259, 30.06.2020 йилдаги 4-сон БҲМС 15-б.).

МИСОЛ. ТМҚ импорти

Корхона кейинчалик қайта ишлаш учун нефть маҳсулотларини импорт қилди. Импорт қилиш чоғида божхона тўловлари, жумладан акциз солиғи ва ҚҚС тўланди. Корхона – ҚҚС тўловчиси, шу боис тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинган тақдирда ҳисобга олиши мумкин. Акциз суммасини ТМҚ қийматиға киритиш зарур.

РЕКЛАМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.Гиймаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz



Бухгалтерия ўтказмалари:

Ҳужжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспондентияси	
	Дебет	Кредит
Етказиб берувчилардан товарлар (нефть маҳсулотлари) олинди, ш.э. акциз	1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Товарнинг таннархига киритиладиган хизматлар суммалари (декларант, божхонада сақлаш, транспорт ташкилоти ва ҳ.к.лар хизматлари)	1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Импорт қилишда ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммаси	4410-«Бюджетта солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Божхона тўловлари ва ҚҚСни тўлаш	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Омборга кирим қилиш	1010-«Хом ашё ва материаллар» (2910-«Омбордаги товарлар»)»	1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»

Хизматлар қийматида акциз солиғи ҳисоби

2019 йилдан бошлаб мобил алоқага акциз солиғи солинади (янги тахрирдаги СК 284-м. 1-қ. 8-б.; Ставкаларнинг 8-б., «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга 8-илова).

МИСОЛ. Мобил алоқага ҳақ тўлаш бўйича харажатлар

Корхона мобил алоқа хизматлариға ҳақ тўлайди. Абонент тўловиға акциз солиғи ва ҚҚС киритилган, у битта рақам учун 51 750 сўмни ташкил этади, шу жумладан ҚҚС – 6 750 сўм, акциз солиғи – 7 500 сўм. ҚҚС тўловчиси бўлган корхона ҚҚС суммасини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинган тақдирда ҳисобга олиши мумкин. Акциз суммаси хизматлар қийматиға киритилади.

Бухгалтерия ўтказмалари:

Ҳужжалик операциясининг мазмуни	Сумма	Счётлар корреспондентияси	
		Дебет	Кредит
Алоқа хизматлари, ш.э. акциз солиғи давр харажатларига киритилди	45 000	9400-«Яқуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	6 750	4410-«Бюджетта солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Алоқа хизматлари учун ҳақ тўлаш	51 750	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»



Акциз солиғи тўловчилари ҳисобварақ-фактурада акциз солиғи ставкаси ва суммасини кўрсатишлари шарт (Низомнинг 15-б., 14.08.2020 й. 489-сон ВМКга 2-илова).



ТУРАР ЖОЙ ИЖАРАСИ – ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТИ

? Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган доимий муассаса ЎЗР фуқаросини ишга қабул қилди ва Самарқанд шаҳрига хизмат сафарига юборди. Ҳар ойда хизмат сафари (суткалик) харажатларини ва турар жойнинг ижара ҳақини тўлайди. Ходим Самарқандда доимий ишлайди. Бошқа ҳолатда бош офис хорижий мутахассисни ЎзРга қурилиш участкасида ишлаш учун хизмат сафарига юборди. ДМ хорижий мутахассис учун турар жойни ижарага олиш учун жисмоний шахс билан шартнома тuzди.

Турар жой ижараси суммаси хизмат сафари харажати ҳисобланадими ва унга ЖШДС солинадими? Турар жой учун жисмоний шахсга бериладиган ижара тўлови суммасига ЖШДС солинадими?

– Ҳа, доимий муассаса хизмат сафарига юборилган ходим учун турар жой биносининг ижара ҳақини тўлаши унинг харажатлари деб эътироф этилади ва ушбу ходимнинг даромадлари сифатида қаралади (СК 369-м. 2-қ. 8-б.). Тегишинча, хизмат сафарига юборилган ходимда ЖШДС бўйича оқибатлар юзага келмайди.

Бунда ижарага берувчи жисмоний шахснинг турар жой биносини ижарага беришдан олинган даромадлари унинг тўлов ман-

баида, яъни ДМда солиқ солинадиган мулкнинг даромадлари ҳисобланади (СК 387-м.). Бунда 2020 йил 1 июлдан 31 декабргача бўлган даврда жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ тўлашдан озод этилади (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 1-банди, «а» қисм банди). Тегишинча, ушбу даврда ДМ ижарага берувчи жисмоний шахсга ЖШДСни ундирмаган ҳолда ижара ҳақини тўлайди.

ФХШ ВА У БЎЙИЧА СОЛИҚЛАР

? Юридик ва жисмоний шахслар (резидент, Ўзбекистон фуқароси) ўртасида юридик хизматлар кўрсатишга фуқаролик-ҳуқуқий шартнома (ФХШ) тuzилди, унга мувофиқ жисмоний шахс ҳақ олади ва бу унинг даромади ҳисобланади. СКнинг 371-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган тuzилган ФХШлар бўйича жисмоний шахсларга тўловлар ҳам киритилади. ДХШ шартларига мувофиқ ижорачининг (жисмоний шахснинг) хизматлари қийматига Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланиладиган солиқлар ва ажратмалар киритилмайди.

Жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги солиқ хизматида йиллик жами даромади тўғрисидаги декларацияни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиши лозимми?

– Ўзбекистон резиденти ва фуқароси бўлган жисмоний шахсга даромад тўлайдиган юридик шахс:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс ҳисобланса, у солиқ агенти сифатида ЖШДСни ушлаб қолиши ва белгиланган муддатларда бюджетга тўлаши шарт (СК 386, 387-м.). СКда мазкур ҳолатда ФХШга жисмоний шахс томонидан декларация топшириш орқали ЖШДСни мустақил тўлаш имконияти назарда тутилмаган. Бундан ташқари, ушбу тўловлар бўйича юридик шахс ижтимоий солиқни тўлаши шарт (СК 403-м.).

Маълумот учун. Жисмоний шахс Ўзбекистонда ДМ орқали фаолият юритмайдиган норезидент ҳисобланган юридик шахсдан даромад олган бўлса, жисмоний шахс даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этган ҳолда даромадидан ЖШДС тўлаши лозим (СК 393–398-м.).

Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

СУҒУРТА ПУЛИ СУММАСИГА ЭХФ

? Компания мол-мулк суғуртаси, шунингдек иш берувчининг масъулиятига доир шартнома тuzди. Суғурта компанияси суғурта пули суммасига ЭХФ тақдим этиши лозимми?

– Ҳисобварақ-фактура куйидаги ҳолларда тақдим этилиши шарт эмас:

- сотилган товарлар (хизматлар) учун тўловлар нақд пулда ёки жисмоний шахсларнинг пластик карталари орқали амалга оширилганда назорат-касса техникаси ёки виртуал касса чеки тақдим этилганда;

- ҳўжалик юритувчи субъект томонидан аҳоли билан пуллик ҳисобкитобларни амалга оширишда расмийлаштирилмайдиган, қатъий ҳисобот берилмайдиган бланкалар ҳисобланадиган шакл бўйича квитанция тақдим этилганда. Квитанциялар солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган ҳолда фақат назорат-касса техникаси таъмирлашга топширилганда ёки савдо шохобчасида (хизмат кўрсатиш жойида) электр энергияси вақтинча мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади;

- товарлар экспорти бўйича божхона юк декларациялари (кейинги

ўринларда – БЮД) расмийлаштирилганда;

- банк операциялари миқдорининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳужжат бериш билан расмийлаштирилганда;

- товарлар текинга оммавий тарқатилганда;

- ҳар қандай транспорт воситаси орқали йўловчиларни ташишда йўл чипталари (шу жумладан, электрон) расмийлаштирилганда;

- кўрсатилган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун банк орқали бухгалтерия ҳисобини юритишда асос бўлиб хизмат қилувчи бирламчи ҳужжатлар қўллаган ҳолда тўловлар амалга оширилганда (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 14.07.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

Қолган барча ҳолатларда, шу жумладан суғурта хизматларини кўрсатишда суғурта маъмуоти суммасига ЭХФ расмийлаштирилиши лозим.

ЛИЗИНГГА БЕРУВЧИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР

? Корхона мол-мулкни лизингга бериш билан шугулланади. У мазкур фаолият тури бўйича қандай солиқларни тўлаши лозим?

Фойда солиғи ва ҚҚС тўловчи лизингга берувчи учун

Объектни лизингга беришда ҚҚС солинадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланма юзага келади (СК 238-м. 1-қ. 1-б., 239-м. 1-қ. 3-б.).

Лизинг шартномасида лизинг объектининг харид суммаси назарда тутилган бўлса, унга ҳам ҚҚС солинади (СК 238-м. 1-қ. 1-б., 239-м. 1-қ. 1-б., 249-м. 1-қ.).

Лизингга берувчининг фойзли даромади ҚҚСдан озод этилади (СК 244-м. 1-қ. 8-б.).

Мол-мулкни лизингга беришда лизингга берувчида даромад юзага келмайди. У даромадни фойзларни ҳисоблашда ва лизингга олувчи томонидан лизинг объекти сотиб олинганда (шартномада харид суммаси назарда тутилган тақдирда) эътироф этилади.

Лизингга берувчи аввал унинг асосий воситалари таркибида бўлган ёки фойдаланилган ёхуд капитал қўйилма таркибида бўлган мол-мулк-

ни лизингга бериши мумкин. Мазкур ҳолатда эътироф этиладиган дебиторлик қарзи ва лизинг объектининг бошланғич ёки қолдиқ қиймати ўртасида фарқ юзага келади. Ушбу фарқ муддати кечиктирилган даромад ёки харажат сифатида акс эттирилади. Берилаётган мол-мулк аввал қайта баҳоланган бўлса, муддати кечиктирилган даромад ёки харажатлар ушбу объектни қайта баҳолаш сальдосига қараб тузатилади.

Лизинг тўловини ҳисоблашда муддати кечиктирилган даромадлар ёки харажатлар ҳар ойда асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга ва бошқа операция харажатларга ҳисобдан чиқарилади (АВ томонидан 1.06.2009 йилда 1961-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 9-банди).

Даромадлар жами даромад таркибига фойда солиғи бўйича солиқ базасига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 1, 7, 27-б.).

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчи лизингга берувчи учун

Лизингга берувчининг фойзли даромади, лизинг объектининг харид нархи суммаси, шунингдек лизингга берувчининг муддати кечиктирилган даромади (эътироф этиладиган дебиторлик қарзи ва лизинг объектининг бошланғич ёки қол-

диқ қиймати ўртасидаги фарқ) айланмадан олинадиган солиқ солинади (СК 297-м. 3-қ. 1, 7, 27-б., 463-м. 1-қ.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Давлат иштирокидаги ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Аҳолига тақдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатишда шахсни тасдиқлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «UzVC» миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖУДАТ

– УзР ДБК, ИИВнинг «Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини Божхона расмийлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДА ФИСКАЛ ИНСТИТУТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА*

Молия ва солиқ соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5953-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази негизида Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида **Фискал институт** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилсин.

2. Институтда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

– солиққа тортиш ва молиявий назорат соҳалари учун бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича кадрларни кредит-модуль тизими асосида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш;

– кадрлар тайёрлаш борасида хорижий давлатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан тажриба алмашишни кенгайтириш ҳамда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

– бюджет даромадларини шакллантиришда давлат манфаатларини ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлай оладиган кадрларни тарбиялаш;

– солиқ органлари учун илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган таҳлил услублари билан ишлаш кўникмасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– солиққа тортиш ҳамда молиявий назорат соҳаларида амалий ва фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб бориш натижасида инновацион лойиҳаларни жорий этишни кенгайтириш;

– малакали кадрлар тайёрлашни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг замонавий усуллари, халқаро солиққа тортиш, трансферт нархларни белгилаш, тавakkалчиликларни таҳлил қилиш, бизнес-таҳлил технологиялари (Business

Intelligence) ва солиқ маъмуриятчилигида илгор ахборот технологияларини (Big Data) қўллаш асосида ташкил этиш;

– ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, шу жумладан педагогик ва ахборот технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммолли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш, талаба, тингловчи ва педагог кадрларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ҳамда таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

3. Белгилансинки, Институт:

– солиқлар ва солиққа тортиш соҳаси учун oliй маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **таълим олиш таълим муассасаси**;

– **молиявий назорат ва аудит ҳамда солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи**, шунингдек иқтисодийта ахборот технологиялари соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва оқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган oliй таълим муассасаси ҳисобланади.

4. Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университети билан Институт тузилмасида мазкур университетнинг бўлиминисини (факультетини) ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Институт тузилмасидаги бўлиминисини (факультети) моддий-техник таъминоти жорий йилда Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, иқтисодий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махусу жамгармаси маблағлари ҳисобидан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида тушган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги **Фискал институтнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича «Йўл харитаси»** иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

– Институт Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.11.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга илова «СБХ»да чоп этилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Notus» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

марказининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

Институтда ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қундузги бакалаврият таълим йўналишларига мс бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган **тўлов-контракт асосида сиртки таълим** шаклида ўқитиш ташкил этилади. Бунда талабалikka тавсия этилган абитуриентларнинг ўқиши учун тўлов иш берувчининг ходим (абитуриент) билан келишилган шартномасига мувофиқ белгиланган шаклда амалга оширилади;

Институтда бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи босқич талабалари учун таълим жараёни бевосита солиқ органлари маъмурий биноларида ташкил қилинади;

Институт ректори, проректорлари, факультет деканлари, декан ўринбосарлари ва профессор-ўқитувчилари лавозим маошлари – олий таълим муассасаларининг, илмий ходимларининг лавозим маошлари эса – илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорига белгиланади;

Институт бошқарув, техника, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларининг лавозим маошлари Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларида белгиланади;

Институтнинг раҳбар, бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилари таркибига Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати ходимларининг тегишли тоифалари учун хизматни ўташ ва мукофотларни тўлаш тартиблари татбиқ этилади.

7. Давлат солиқ қўмитаси 2021 йил 1 мартга қадар Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимига юқори малакали хорижий мутахассис тайинланишини таъминласин.

8. Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Фарғона ва Тошкент солиқ коллежларини **Институт ҳузуридаги Фарғона ва Тошкент солиқ техникумлари этиб қайта ташкил қилиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Институтда кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришининг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари ҳар йили белгиланган муддатларда иш берувчиларнинг Институт томонидан тайёрланганидан кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёжни ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида таҳлил қилиш асосида Давлат солиқ қўмитаси томонидан мустақил белгиланади;

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумлари томонидан тайёрланганидан кадрларга буюртмани шакллантиришда иштирок этишга, хусусан кадрларни мақсадли тайёрлаш учун тўловни, улар томонидан ўқишни тугатганидан сўнг, шартномада белгиланганидан муддат давомида ташкилот-буюртмачида узлуксиз ишлаш мажбуриятини қабул қилган ҳолда, амалга оширишга ҳақли.

10. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; ҳўжалик фаолиятдан ва шартномадан асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

ҳисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари; халқаро молия ташкилотларининг грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Институт ректорига ва солиқ техникумлари директорларига мазкур муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимлар уларнинг иш ҳажми ва самарадорлигини

ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча ойлик устамга белгилаш ҳуқуқи берилсин.

12. **Институтга** ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари эга бўлган ҳуқуқлар билан бир қаторда **қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда **таълим йўналишларига ўзгартириш киритиш, ўқув режалари ва дастурларини ҳамда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;**

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда **қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;**

кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этиш босқичида профессор-ўқитувчилар ўқув юкларини мустақил меъёрлаштириш, шунингдек педагог ходимлар томонидан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, «устоз-шогирд» тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш;

халқаро эътироф этилган ташкилотлар – Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ва Academic Ranking of World Universities рейтингларининг барчасида бир вақтда биринчи 1 000 та ўринни эгаллаган олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этиш;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Институт ҳузуридаги солиқ техникумларининг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

солиқ техникумлари педагог ходимлари меҳнатини меъёрлаштириш;

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда Институт бакалаврият ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

Институт илмий фаолиятига ва ўқув жараёнига ўқитувчилар ва мутахассисларни, шу жумладан чет эллик олимларни шартнома асосида жалб қилиш;

Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларида ному-тахассислик фанларини ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларининг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда молия йили учун Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларининг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат ҳадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш.

13. Институт Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

а) Институтни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш қўнмақларига ҳамда амалий иш таҳрибасига эга бўлган, шунингдек хорижда тажриба орттирган малакали кадрлар билан **тўлдирсин;**

б) тегишли фанлар бўйича **янги авлод дарсликлари** ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилишини таъминласин;

в) битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

ўқув жараёнини илгор халқаро тажрибани, талабаларда тил тайёрларлигини, таҳлил қилиш қўбилиятини, тизимли таҳлил ва бошқарув қўнмақларини ривожлантиришга қаратилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

ихтисослик фанлари ўқув юкларисида амалий машғулот-

лар ҳажмини тренажёр-имитацион ва дастурий комплексларни қўллаш ҳисобига ошириш ва амалга оширилишини тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

г) қуйидагиларни:

Институт ходимларининг стажировка ўташ тартибини;

Институт лавозимларини ички идоровий ротация асосида эгаллаш тартибини;

Институт профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича вақт меъёрларини, шунингдек ўқув юкларини белгилаш тўғрисидаги низомни;

Институт талабалари томонидан малакавий амалиёт ва магистрлар томонидан илмий стажировкани ўташ тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Инновацион ривожланиш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг таклифлари асосида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ амалий ва инновацион лойиҳаларнинг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.

15. Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда талабаларнинг соҳавий вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмаларида малакавий амалиётини ташкил этишда Институтга ҳар томонлама амалий кўмак кўрсатсин.

16. Давлат солиқ қўмитаси Институтнинг замонавий ўқув биноси, кутубхона, фаоллар зали, спорт зали ва ётоқхона биносини қуриш, шунингдек мавжуд биноларни реконструкция

қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2021 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт биноларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

18. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Кичик ҳалқа йўли, 3-уйдаги бинолари Институтга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилсин.

19. Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябр
ПҚ-4879-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ, ТУРИЗМ ВА ҚУРИЛИШ СОҲАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида*

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида зарар кўрган ва кўраётган ташқи иқтисодий фаолият ва туризм соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини ҳамда замонавий уй-жой қурилиши билан банд бўлган қурилиш-пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг автотранспорт воситалари паркинни янада янгилаш ва модернизация қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2022 йил 31 декабрга қадар қуйидагиларга утилизация йиғимининг ноль ставкаси қўлланилсин:

юк ташиш учун мўлжалланган, «Евро-5» ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган шатакчи автомобиллар (ТИФ ТН коди 8701 20, ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошганлари бундан мустасно), шунингдек, тиркамалар ва ярим тиркамалар (ТИФ ТН кодлари 8716 31, 8716 39, ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ошганлари бундан мустасно);

юк ташиш учун мўлжалланган янги транспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари 8704 22, 8704 23) ҳамда махсус мўлжалланган янги транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8705 10, 8705 40, 8705 90);

ҳайдовчи билан бирга ўн ва ундан ортқ йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган, «Евро-5» ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8702, ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошганлари бундан мустасно).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 2 июндаги 347-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий aloқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.*

*Тошкент ш.,
2020 йил 29 октябр
665-сон.*

*ЎзР ВМнинг 2020 йил 29 октябрдаги 665-сон қарорига
ИЛОВА*

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ГИЛДИРАКЛИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ, ЎЗИЮРАР МАШИНАЛАР ВА УЛАРИНИНГ ТИРКАМАЛАРИ УЧУН УТИЛИЗАЦИЯ ЙИГИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ Тўғрисида» 2020 йил 2 июндаги 347-сон қарорига КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚўШИМЧА

1. 2-банднинг «б» кичик бандида:

а) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«давлатлараро, ҳукуматлараро, халқаро ташкилотлар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан

техник кўмак (грант) маблағлари ҳисобига олиб кириладиган транспорт воситаларига;»;

б) тўртинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.10.2020 йилдан кучга кирди.

2. Илованинг VI қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

VI. Тиркамалар ва ярим тиркамалар			
Тиркамалар ва ярим тиркамалар; бошқа ўзйорар бўлмаган транспорт воситалари	8716 (8716 80, 8716 90 дан ташқари)	60	660

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
BAZIRPLAP MAХЖAMACIYINING
ҚAPOPИ

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА
ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ
ОШКОР ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА***

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар қорхоналари фаолиятининг очқилиги ва шаффофлигини таъминлаш, мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функцияларини амалга оширувчи вазирликлар ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

вазирликлар ва идораларнинг расмий веб-сайтларида мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функциялари амалга оширилаётган давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар қорхоналарининг (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги қорхоналар) устав фонди (устав капитали), давлат улуши, ҳар чорак ва йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, иш ўринлари сони, қорхоналар бошқарув ва назорат органлари таркиби тўғрисидаги маълумотларни (чекланган ҳолда тарқатилмаган ва тижорат сирини мавжуд бўлган маълумотлар бундан мустасно) (кейинги ўринларда – асосий маълумотлар) жойлаштириш;

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат иштирокидаги қорхоналарнинг расмий веб-сайти бўлиши, унда иқтисодий, молиявий ва бошқа статистик маълумотларнинг, шу жумладан, ҳар чоракда йиллик бизнес-режанинг (лояҳаларнинг техник-иқтисодий асослари бажарилиши ва мақсадларга эришиш инobatта олинган ҳолда) бажарилиши ва ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурларнинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботни жойлаштириш тақлифлари маъқуллансин.

2. Агентлик:

бир ой муддатда «Давлат мулки» ахборот тизимига давлат иштирокидаги қорхоналар тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали тақдим этиш имкониятини жорий этсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Давлат иштирокидаги қорхоналарнинг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 январга қадар халқаро молия институтлари ва чет эл экспертларини жалб қилган ҳолда давлат иштирокидаги қорхоналарнинг фаолияти натижалари тўғрисидаги йилга ҳисобот шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

давлат иштирокидаги қорхоналар бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши,

солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар, ташқи қарздорлик, маҳаллийлаштириш ва инвестиция лойиҳалари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомиди, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Агентликнинг махсус ахборот тизимида жойлаштириб боради;

давлат номидан мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функцияларини бажарувчи вазирликлар ва идоралар, шунингдек, давлат иштирокидаги қорхоналарнинг раҳбарлари тегишли расмий веб-сайтларда жойлаштирилиши белгиланган маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри жойлаштирилиши учун шахсан маъсۇл ҳисобланади;

давлат иштирокидаги қорхоналар томонидан улар фаолияти тўғрисидаги маълумот ва тегишли ҳужжатлар «Давлат мулки» ахборот тизимига электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали тақдим этилиши мумкин.

4. Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар қорхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошқор этиш ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга қуйидаги мазмундаги 1⁻банд қўшилсин:

«1⁻. Давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функциялари амалга оширилганда улар томонидан ушбу давлат иштирокидаги қорхоналарнинг устав капитали, давлат улуши, ҳар чорак ва йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, иш ўринлари сони, бошқарув ва назорат органлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар (чекланган ҳолда тарқатилмаган ва тижорат сирини мавжуд бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади».

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирини Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х.Беженов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 30 октябр
674-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 31.10.2020 йилдан кучга кирди.

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШҚОР ЭТИШ
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-Босқич	Давлат иштирокидаги корхоналар	Расмий веб-сайтларда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар, таъши қарздорлик, маҳаллийлаштириш ва инвестиция лойиҳалари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш.	Ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар
2-Босқич	Мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функцияларини бажарувчи вазирликлар ва идоралар	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капитали, давлат улуши, ҳар чорак ва йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, иш ўринлари сони, бошқарув ва назорат органлари таркиби тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтларида ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг махсус ахборот тизимида жойлаштириш.	Ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар
3-Босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Давлат номидан мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функцияларини бажарувчи вазирликлар ва идоралари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тақдим этилган маълумотларни «Давлат мулки» ахборот тизимида жойлаштириш.	Ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОИ**

**АҲОЛИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ
КўРСАТИШДА ШАХСНИ ТАСДИҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон Фармонида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қароридан белгиланган топшириқлар икросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг кўйидаги қўшимча имкониятлар яратилишини назарда тутувчи «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – идентификация тизими) 2020–2021 йилларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида бошқичма-бошқич модернизация қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

жисмоний ва юридик шахсларни электрон рақамли имзо, мобил телефон рақамлари ҳамда бошқа маълумотлар асосида

рўйхатга олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш ва авторизациялаш имкониятларини яратиш;

давлат органлари, банклар, молия ҳамда бошқа субъектлар томонидан электрон хизматлар кўрсатиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларни масофавий идентификациялаш (аутентификациялаш) имкониятларини яратиш.

2. Қуйидагилар:

«Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими архитектураси 1-иловага** мувофиқ;

«Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ;

Идоралараро электрон ҳамкорлик орқали идентификация тизимига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

идентификация тизими жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялашнинг расмий маълумотлар манбаи ҳисобланади ва у орқали олинган маълумотлар давлат органлари, банклар, молия ва бошқа хизматлардан фойдаланувчи шахс-

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 31.10.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1–4-шловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ларни масофавий идентификация (аутентификация) қилишнинг асоси ҳисобланади;

идентификация тизимини модернизация қилиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва сервер қурilmаларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жағмагаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

идентификация тизими орқали шахсларни идентификациялаш (аутентификациялаш) хизматлари давлат ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга белгиланган тартибда тўзлабдиган шартномага мувофиқ пулли асосида кўрсатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази:

а) икки ой мuddатда:

«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ мобил алоқа операторларига реал вақт режимида жисмоний шахслар – абонентларнинг паспорт маълумотлари асосида жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамини (кейинги ўринларда – ЖШШИР) тақдим этиш бўйича электрон веб-сервис ишга туширилишини;

идораларо электрон ҳамкорликни ташкил этиш орқали мобил алоқа операторларига ўзлари киритган ЖШШИРни текшириш (тўғрилигини тасдиқлаш) имконияти яратилишини;

б) 2021 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларига мувофиқ идентификация тизимига биометрик паспорт маълумотлар базаси маълумотларидан, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг суратларидан фойдаланиш имконияти яратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мобил алоқа операторлари билан биргаликда ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрган ҳолда **2021 йил 1 июлдан:**

а) мобил алоқа операторларининг ахборот тизимларида жисмоний шахс бўлган янги ва амалдаги абонентларга ЖШШИР жорий этилиши ва юритилишини;

б) мобил алоқа операторларининг ахборот тизимлари ва электрон ҳукуматнинг идораларо интеграциялашган платформаси ўртасида реал вақт режимида жисмоний шахслар тўғрисидаги куйидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича идораларо электрон ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминласин:

абонентнинг ЖШШИР бўйича – абонентнинг телефон рақами;

абонентнинг телефон рақами бўйича – абонентнинг ЖШШИР.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 январдан 1 ноябрга қадар** Тошкент шаҳрида тажриба-синов тарзида Ўзбекистон Республикасида ID-карта кўринишидаги шахсни тасдиқловчи ҳужжат беришда жисмоний шахсларга электрон давлат хизматларидан фойдаланишда қўлайликлар яратиш мақсадида:

шахсни электрон тасдиқлаш имкониятини берувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлари автоматик равишда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2021 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов натижалари бўйича ушбу тартибларни республиканинг барча ҳудудларида жорий этишнинг мақсадага мувофиқлиги юзасидан асосланган тақлифлар тайёрлашни ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Янги технологиялар илмий-ахборот маркази ахборот тизимини:

2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ID-карта тизими билан интеграция қилиш бўйича ташкилий-техник чоралар амалга оширилишини;

идентификация тизимида доир ҳақиқий маълумотлар асосида рўйхатдан ўтган (авторизация қилинган) фойдаланувчиларга электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатларини масофавий бериш мақсадида Идентификация тизими билан интеграция қилиш бўйича ташкилий-техник чоралар амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Жинойи фаолиятдан олгинан даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан молиявий хизматлар кўрсатилишида идентификация тизими имкониятларидан фойдаланишга оид идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилсин.

9. Белгилансинки, идентификация тизими доирасида муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, уларга ишлов бериш ва фойдаланиш «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизими орқали юборилган электрон шаклдаги маълумот ва (ёки) хабарнома, шунингдек, бошқа электрон ҳужжатлар қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга;

электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизими орқали электрон шаклда юборилган электрон ҳужжат, маълумот ва (ёки) хабарнома ушбу тизимнинг тўғрилиги фойдаланувчисига келиб тушган вақтдан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади.


11. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 50-сон, 628-модда) билан тасдиқланган «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги низомага 4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М.Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М.Садиков зиммасига қўллансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 30 октябръ
679-сон.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

«UzVC» МИЛЛИЙ ВЕНЧУР ФОНДИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон Фармониغا мувофиқ ҳамда республикада инновацион лойиҳалар ва стартап-экотизмини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг:

Инновацион ғоялар ва стартап-экотизмини қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида «UzVC» миллий венчур фондини (кейинги ўринларда – Фонд) масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиш;

Фонднинг бошланғич устав капиталини 15 миллиард сўм миқдоридида белгилаш;

Фонднинг бошланғич устав капиталини 2020 йил Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантириш ва Фонднинг устав капиталдаги 100 фоиз улушни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Фонднинг устав капиталини қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан оширишга ружнат бериллади;

Фонд юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан шерикликда венчур лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида венчур фонди муассиси бўлиши мумкин;

Фонди сақлаш харажатлари унинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Фонд бошқарувиغا малакали ва халқаро тажрибага эга чет эл фуқароларни жалб этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда:

икки ой мuddатда Фонднинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Фонднинг Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Университет кўчасидаги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг маъмурий биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда тўрт ой мuddатда Фонд фаолиятини амалга ошириш учун шаффоф, рақобатбардош ва танлов муҳити асосида устав капиталда давлат улуши бўлмаган мустақил хусусий бошқарув компаниясини давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танласин ва шартнома асосида бошқарувга берилишини таъминласин.

Марказлашган манбалар ҳисобидан венчур лойиҳаларни молиялаштириш учун Фондга ажратилган ресурсларга тенг миқдорда хусусий сектор маблағларини жалб қилиш бошқарув компаниясини танлашнинг асосий шартларидан бири этиб белгилансин.

5. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йил 1 июнга қадар Фонднинг самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф ва зарур ҳолларда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан Фонднинг устав капиталини шакллантириш учун 15 миллиард сўм миқдоридида маблағларни молиялаштириш.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров, Инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х.Бекенов зиммасига оқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 3 ноябръ
684-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.11.2020 йилдан кучга кирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОИ

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 2156-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июлдаги ПФ-6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари

фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги қарор қилади:

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.01.2021 йилдан кучга киради.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги 01-02/12-8, 20-сон қарори (рўйхат рақами 2156, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 439-модда) билан тасдиқланган Божхона чегарасидан

Давлат божхона кўмитаси раиси
М.АЗИМОВ.
01-02/12-14-сон.

Тошкент ш., 2020 йил 10 сентябрь.

Келишилди:
Раиснинг биринчи ўринбосари
И.К.ДЖАСИМОВ.

Тошкент ш., 2020 йил 25 август.

олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низома иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин қучи қиради.

Ички ишлар вазир
П.Р.БОБОЖОНОВ.
66-сон.

ЎЗР ДБКнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 01-02/12-14-сон ва ИИВнинг 2020 йил 10 сентябрдаги 66-сон қарорига
ИЛОВА

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРИВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«7. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» «Авто» ЯААТ дастури орқали кириш божхона пости ходими томонидан давлат, рус ва инглиз тилларидан бирида чоп этилади ҳамда хорижий автотранспорт воситасининг эгасига (ҳайдовчисига) берилади.»

2. Қуйидаги мазмундаги 12⁻банд билан тўлдирилсин:
«12⁻. Вақтинча олиб кириш муддати тугашидан олдин Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган ҳайдовчи божхона органига автотранспорт воситасини вақтинча сақлаш учун ёзма ёки электрон тарзда мурожаат қилган тақдирда, ушбу автотранспорт воситаси божхона органи томонидан белгиланадиган жойларда вақтинча сақлаш даври учун мазкур Низоมนинг 16-бандида кўрсатилган йиғим тўланмайди, бундан автотранспорт воситасини сақлаш билан боғлиқ ҳаражатлар мустасно ҳисобланади.»

3. 17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«17. Вақтинча олиб кириш муддати тугашидан олдин ушбу муддатни узайтириш учун хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси белгиланган муддат тугашидан аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг мазкур хорижий автотранспорт воситаси турган жойдаги божхона постларидан бирига муддатни узайтиришни сўраб мурожаат қилиши ёки электрон тарзда масофадан тўловларни амалга оширган ҳолда реал вақт режимида автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш муддатини узайтириш лозим.

Мурожаатга божхона органларининг ҳисобрақамига мазкур Низоมนинг 16-бандида кўрсатилган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ваколатли банк томонидан берилган ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Тегшли божхона пости вақтинча олиб кириш муддатини йиғим қанча муддат учун тўланган бўлса, шунча муддатга узайтиради ва «Авто» ЯААТда аввал киритилган муддатни ўзгартиради.»

4. 19-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона пости томонидан ундирилади ёки ҳайдовчи томонидан электрон тарзда масофадан реал вақт режимида тўланади;

банк орқали тўланганда банк қвтанцияси асосида кириш қилинади.»

5. 21-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21. Белгиланган қайтариб олиб чиқиш муддатидан 5 кундан ортиқ вақт ўтган ва республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган хорижий автотранспорт воситалари тўғрисида «Авто» ЯААТда электрон маълумотлар автоматик тарзда шаклланади ва ДИХХХга реал вақт режимида юборилади.»

6. 22 ва 51-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 23-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«23. ДИХХХнинг ҳудудий органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси маълумотлари асосида республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган хорижий автотранспорт воситалари аниқланган тақдирда улар буйича қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни қўриш учун иш куни мобайнида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларини хабардор қиладилар.»

8. 27-банддаги «давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига» деган сўзлар «божхона постларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 28-банддаги «Давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари» ва «давлат божхона хизматининг ҳудудий органининг» деган сўзлар тегшли равишда «Божхона постлари» ва «Божхона постининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 29-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«29. Қўриб чиқиш яқини буйича бир иш куни мобайнида божхона постлари томонидан «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» дубликати берилади. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»нинг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзилса ва божхона пости бошлиғи ёки унинг ўринбосари имзоси ва пост муҳри билан тасдиқланади.»

11. Қуйидаги мазмундаги 57⁻банд билан тўлдирилсин:

«57⁻. Божхона тўловларидан имтиёз қўлланилган ҳолда «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилган автотранспорт воситасини 3 йил давомида қайта жиҳозлаш божхона юк декларациясида кўрсатиб ўтилган ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси коди ўзгаришига олиб келса, божхона расмийлаштируви вақтида божхона тўловларидан берилган имтиёзлар тўланган тақдирда ушбу автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсат берилади, бундан автотранспорт воситасини ёқилги турини ўзгартириш билан боғлиқ қайта жиҳозлаш ҳолатлари мустасно ҳисобланади.»

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

УЧИНЧИ ШАХСЛАР БИЛАН ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБГА ЎТКАЗИШГА ТАҚИҚНИНГ МУАММО ВА ЗИДДИЯТЛАРИ

Тижорат банклари етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ҳақни бевосита етказиб берувчиларга тўлашлари, тўловларнинг учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўймасликлари шарт. Бу ерда қандай муаммолар яширинган? Ушбу талаб ҳали ҳам долзарбми ёки эҳтимол, уни бекор қилиш вақти келгандир?

«Nogma» компаниясининг юридик масалалар бўйича эксперти Олег ЗАМАНОВ вазиятни шарҳлаб берди.

– Президентнинг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юривчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (9.08.1996 йилдаги ПФ-1504-сон) 5-бандида шундай дейлади: «Тижорат банклари етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўласинлар, тўловларнинг учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўймасинлар, товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари бундан мустасно. Белгилаб қўйилсинки, ушбу тартибни бузиш даромадни яшириш деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилади».

Энг аввало, «тижорат банклари ҳақни тўласинлар» ифодасини шарҳлаш лозим. Олди-сотди, етказиб бериш, бепул хизмат кўрсатиш ёки пудрат шартномаларига асосан ҳақни битим иштирокчиси – сотиб олувчи, буюртмачи тўлайди. Банк фақатгина ўз миқдорининг тўлов топшириқномасини бажаради – унинг ҳисобварағидан топшириқномада кўрсатилган олувчининг ҳисобварағига муайян суммани ўтказилади.

Ушбу норма билан боғлиқ биринчи жиддий муаммо – уни амалга ошириш механизми ноаниқдир. Банк топшириқномада кўрсатилган маблағларнинг олувчиси етказиб берувчи эканлигига ишончи комил бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун унга миқдор билан битим тузишда расмийлаштирилган ҳужжатлар, шунингдек – реализация қилиш бўйича айланмани тасдиқловчи ҳужжатлар зарур бўлади. Масалан, шартнома ва ҳисобварақ-фактура. Банк мазкур ҳужжатларни тўлов топшириқномаси билан солиштириб, етказиб берувчи ва маблағларни олувчи – айнан битим субъект эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин пулларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

Яъни банк бу ерда амалда назорат қилувчи орган функциясини бажар-

моқда. Бинобарин, қонун ҳужжатларида банк ваколатларининг ҳажми, чегараси ва уларни амалга ошириш тартиби баён этилиши керак. Хусусан, қуйидагиларни белгилаш зарур:

- миқдор тўлов топшириқномаси билан бирга тақдим этиши лозим бўлган тасдиқловчи ҳужжатларнинг рўйхати – ҳозирги кунда ушбу масала охиригача очиб берилмаган (Низомнинг 37-б., АВ рақами 3229, 13.04.2020 й.);

- миқдор томонидан уни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатлари ва банк томонидан ўрганиб чиқилиши. Шу муносабат билан тўловни ўтказиш учун ажратиладиган энг кўп муддатни ҳам белгилаш зарур (ФК 778-м.);

- етказиб берувчига эмас, балки ўрнатилган талабни бузган ҳолда учинчи шахсга ҳақ тўлашга уринишни аниқлаган банк ҳаракатларининг алгоритми;

- таърифланган контекстда банк ва миқдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва ҳ.к.

Ҳали ушбу жиҳатлар аниқ регламентланмаган экан, банклар ва миқдорларда келишмовчилик ва бир-бирларига муқобил эътирозлар юзага келаверади.

Ушбу бандга 2018 йилнинг июль ойида киритилган қўшимча нормага фақат зиддиятларни қўшиди (12.07.2018 й. ПФ-5476-сон Фармонга илованинг 2-б.). Унда умумий қондан истиснони баён этишди – маҳсулот (хизматлар) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Тузатиш Президентнинг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон) ижроси юзасидан киритилган бўлиб, у тадбиркорлик субъектларига Е-тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб беришда учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун тўловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шarti билан қабул қилишга рухсат беради (ПҚ-3724-сон қарор 2-б. 2-х.).

Келинг, қайд этайлик:

- инкассация ҳақидаги шарт мутлақо бир нарсани билдиради – нақд пулда тўлаш назарда тутилмоқда. Бу мантиққа эга: Е-тижорат доирасида нақд шаклда ҳақ тўлашга йўл қўйилади, юридик шахслар ҳам нақд пулда тўлашлари мумкин – БҲМнинг 100 бараваригача бўлган суммада (ПҚ-3724-сон қарор 1-б. 3-х.; 8.03.2019 й. 201-сон ВМК);

- бу ерда хизматлар ҳеч ҳам қат-



нашмайди, фақат товарлар – бу ҳам мантиққа эга, сабаби гап етказиб бериш борасида бормоқда.

Бироқ пировардида банкларга учинчи шахслар учун Е-тижорат орқали реализация қилинган товарлар ва хизматлар учун тўловларни (нақдсиз ҳисоб-китоб) ўтказишга рухсат берилди. Бу:

а) биз ойдинлаштириб олганимиздек, ПҚ-3724-сон қарордан келиб чиқмайди ва унга тўғри келмайди;

б) бу иккита мутлақо бир хил операциялардан бири қонуний, иккинчиси – ноқонуний деб эътироф этилишини аниқлатади. Бу аниқ техник жиҳатга – шартнома тузиш усулига боғлиқ:

- электрон шаклда (Е-тижорат) – учинчи шахслар учун ҳақ тўлашга рухсат берилган ва банк томонидан ўтказилади;

- оддий ёзма шаклда – учинчи шахслар учун ҳақ тўлашга йўл қўйилмайди.

Гарчи шуниси ойдинки, ушбу мезон дастлаб қўзланган мақсад – даромадни яширишни бартараф этиш учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Яъни жорий тахририда норма мантиқсиз ва моҳиятан, камситувчи.

Ва ниҳоят, асосий муаммо – ушбу банд айбсизлик презумпциясига қўндаланг қўйилган. Моҳиятга қўра, бунда гап юридик жавобгарлик тўғрисидаги норма ҳақида кетмоқда. У қуйидагиларни белгилайди:

- ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини, яъни ноқонуний қилмиш – етказиб берувчини четлаб ўтиб, кейинчалик ҳисобга ўтказиш билан учинчи шахс фойдасига ҳақ тўлаш (Е-тижоратдан ташқари);

Август-сентябрь ойларида ҚХТБТ порталида тузатишлар билан қонун лойиҳаси, шу жумладан Фуқаролик кодексига тузатишлар муҳокама қилинди. Таклиф қилинаётган ўзгаришлар орасида – ПФ-1504-сон Фармоннинг 5-банди 1-хатбошисида назарда тутилган нормани сўзма-сўз ФКнинг 794-моддасига ўтказиш. Шу тарихда, унинг юридик қўчини оширишни ва катта эҳтимол билан, унинг ижроси устидан назоратни кучайтиришни режалаштиришмоқда. Бу қандай муаммоларга айланиши юқорида баён этилди.

Параллель равишда ФКнинг янги тахрири («Йўл харитаси»нинг 30-б., 22.06.2020 й. ПФ-6012-сон Фармонга 2-илова) устида иш ниҳоясига етказилиши керак эди. Умид қиламизки, ишлаб чиқувчилар барча маънода низоли бўлган ушбу нормани унга қўйишмаган. ПФ-1504-сон Фармоннинг 5-бандини эса танқидий қайта кўриб чиқиш керак: аниқроқ ифодалаш ёки бутунлай бекор қилиш лозим.

- ҳуқуқбузарлик субъектларини, яъни жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар – тижорат банки, шунингдек даромадни яширишда айбдор бўлган шахслар;

- санкциялар – қонун ҳужжатларида назарда тутилган даромадларни яширганлик учун жавобгарлик чоралари (СК 223-м.; МЖТК 174-м.; ЖК 184-м.).

Бироқ шу билан бирга:

а) учинчи шахс номига ҳақ тўлаш далилининг ўзи даромадни яшириш деб ҳисобланиши мумкин эмас. Етказиб берувчи сотиб олувчидан тўловни талаб қилиш ҳуқуқидан ўзи қардор бўлган учинчи шахс фойдасига воз кечишга ва мажбуриятларни ҳисобга ўтказишга ҳақли. Бу мутлақо қонунийдир (ФК 345-м.). Тўлиқ рўйхати СКнинг 223-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳаракатлар даромадни яшириш деб эътироф этилади;

б) фақат қуйидаги ҳолларда банк ҳуқуқбузарликка шерик ҳисобланади:

- даромадларни яшириш ҳолати мавजूд бўлса – яъни СКнинг 223-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳаракатларнинг биттаси ёки бир нечтаси содир этилган бўлса;

- банк ходимлари учинчи шахс номига тўлов даромадларини яшириш учун амалга оширилаётганлиги билишган бўлса ва уни ўтказган ҳолда ҳуқуқбузарлик содир этилишига қўмақлаштирган бўлса.

Бошқача айтганда, ноқонуний фаолият ҳолати, иштирокчилар доираси ва уларни айби ҳар бир алоҳида ҳолатда ўрнатилиши ва исботланиши керак. Акс ҳолда ҳеч ким жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.



БАНК КЭШБЭК ТАКЛИФ ЭТДИ

? *Ташкилот (МЧЖ) чакана савдо дўконига эга. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан мижозлар ушбу банкда карта очилиши ва дўконимизда харидни амалга оширганларида кэшбэк олишлари шартли билан кэшбэк хизматлари (2% миқдорда пул маблағларини қайтариши) таклиф этилади. Масалан, спорт костюми ҚҚС билан 300 000 сўм туради. Мижоз ушбу банк картаси билан костюмни сотиб олди, онлайн-касса аппарати орқали 300 000 сўм уриб берилди. Кейин унга банк маблағлари ҳисобидан эмас, балки бизнинг ҳисобимиздан 6 000 сўм қайтарилди. ҚҚС қандай ҳисобланади?*

Бу ҚҚС бўйича ҳисоботларда қандай акс эттирилади?

Бу онлайн-касса аппаратида қандай акс эттирилади?

– Кэшбэк – бу мижозларни жалб қилиш ва уларнинг лоялликни ошириш учун бонус дастури. Бундай дастур кўлланилганда бирор-бир харид учун тўловнинг бир қисми қайтарилади (ёки балл ҳисобланади).

Қайтариш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

- мижоз товар (хизмат) ҳақини тўлайди;
- тўлов қайд этилади ва текширилади;
- тўлов текширилганидан кейин мижозга пулнинг бир қисми қайтарилади.

Моҳиятига қўра, кэшбэк – харидор харид қилганидан кейин бериладиган чегирманинг бир тури.

Товарни реализация қилишда касса аппаратида (терминал) товарнинг тўлиқ суммаси урилади, бунда қайтариладиган сумма ҳисобга олинмайди. Тегишлича, **товарни сотиш қийматининг тўлиқ суммасидан ҚҚС ҳисобланади.**

Шартнома шартларига қўра харидорнинг қарточкасига пулни қайтариш турли усулларда амалга оширилиши мумкин. Жавоб аниқ бўлиши учун банк билан тузилган шартнома шартлари билан танишиб чиқиш лозим.

Корхона мижозларни жалб қилиш хизматлари учун **банкка воситачилик ҳақи тўлайдиган бўлса**, банк

эса ўз навбатида ушбу маблағларни карта сақловчилари билан бўлишса, ушбу сумма (воситачилик ҳақи) корхона учун реализация қилиш харажатлари ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобида у 9410-«Сотиш харажатлар» счётида акс эттирилади.


Мазкур ҳолатда **ҚҚС бўйича базига тузатиш киритилмайди** (СК 257-м.).

Фойда солиғи бўйича базани аниқлашда ушбу харажатларни чегириб ташлаш учун СК талаблари таъминланиши лозим (СК 305-м.).

Корхона ушбу суммани **тўғридан-тўғри** (ҳисобрақамдан) харидорнинг қарточкасига ўтказадиган бўлса, бунга чегирма сифатида қаралади.

Товарларни сотувчи томонидан чегирмалар берилганда:

- сийловлар бериш шартлари сотувчининг нарх (тариф) сиёсатида назарда тутилган бўлса, илгари амалга оширилган товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича **ҚҚС базаси ушбу сийлов суммасига тузатилади (камайтирилади)**. Солиқ базасига тузатиш киритиш қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида, у берилган солиқ даврида амалга оширилади (СК 257-м. 1-қ. 4-б., 4-қ.). Тегишлича, дўконнинг ой якунида бўйича нақд пулда ва терминал орқали тушумига корхона томонидан 2 та бир томонлама электрон ҳисоб-



варақ-фактура тақдим этилиши лозим: тушум суммасига ЭҲФ ва чегирма (салбий) суммасига қўшимча ЭҲФ (Низомнинг 59-банди, ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

Товар корпоратив карта бўйича реализация қилинган бўлса, харидорга дастлабки ва қўшимча ЭҲФ тақдим этилиши лозим. Онлайн-НКМ билан ишланганда терминал тушуми ҳам чиқарилади (6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 5-банди). Товарингиз харидорлари бўлган ҚҚС тўловчи юридик шахслар харидорлари ҳисобварақ-фактуралар реестрига киритишга ҳамда уларни солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан онлайн-НКМ чекларини рўйхатдан ўтказиш орқали ҚҚС суммасида ҳисобга олишга ҳақлилар (Низомнинг 9-банди). Тегишлича, сиз улар қўшимча ЭҲФни олишларини таъминлашингиз лозим. Акс ҳолда корхонангиз тўланадиган ҚҚС суммасини камайтиришига, харидор эса ҳисобга олинадиган ҚҚСни камайтирмаслигига тўғри келади. На-

тижада бюджетга тўлов чегирмага тўғри келадиган ҚҚС суммасига камайтирилади;

- **фойда солиғи** бўйича солиқ базасини аниқлашда даромадларга тузатиш киритилади (СК 332-м. 2-қ. 3-б.);

• **жисмоний шахс** томонидан олинган кэшбэк бўйича маблағлар унинг даромади сифатида қаралмайди (СК 369-м. 2-қ. 14-б.).

Чегирма суммаси 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётида ҳисобга олинади, ушбу счёт 9020-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётининг (9010, 9030) контрачети ҳисобланади (Йўриқноманинг 379-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова).

Ҳужжатлар айланиши ва чегирмаларни ҳисобга олиш тартиби солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатида қайд этилиши лозим (СК 77-м.).

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҚҚС: ЎЗБЕКИСТОНДА РЎЙХАТГА ОЛИНМАГАН ЮРИДИК ШАХСГА ХИЗМАТЛАР

? *Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистонда фаолиятни амалга оширмайдиган чет эл компаниясига унинг товарларини Ўзбекистон бозорига илгари суриш учун ўқитилган ва тайёрланган ходимларни тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатади. Ушбу хизматларга ҚҚС солинадими?*

– Бошқалар жумласида, товарларни, хизматларни реализация қилувчи ва (ёки) республика ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи қуйидаги юридик шахслар ҚҚС тўловчилар ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

2) товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилса;

3) фаолиятни Ўзбекистонда доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари (СК 237-м. 1, 3, 4-бандлари).

Қуйидагилар ҚҚС солиш объекти ҳисобланади:

1) реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма;

2) Ўзбекистон ҳудудига товарларни олиб кириш (СК 238-м. 1-қ.).

Умумий қоидага қўра, башарти бундай хизматларнинг харидори Ўзбекистон ҳудудида фаолиятни амалга оширса ёки турса, Ўзбекистон ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м. 1-қ.).

Айрим хизмат турлари бўйича реализация қилиш жойи алоҳида тартибда аниқланади. Масалан, хизматлар у билан боғлиқ бўлган кўчмас мулкнинг жойлашган жойидан ёки ҳақиқатда хизматлар кўрсатилган жойдан келиб чиқиб (СК 241-м. 3-қ.). Бироқ ходимларни тақдим этиш бўйича хизматлар ушбу рўйхатга кирмайди. Бинобарин, уларни реализация қилиш жойи умумий қоидага биноан аниқланади.

Агар хизматларнинг харидори Ўзбекистон ҳудудида юридик шахсни (унинг филиалларини ёки ваколатхоналарини) ёки жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш асосида ҳақиқатда ҳозир бўлса, мазкур ҳудуд харидорнинг фаолиятни амалга ошириш жойи деб эътироф этилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган тақдирда, харидорнинг Ўзбекистон ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиши юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган

жой ёки уни бошқариш жойи, унинг ДМ жойлашган ер (агар хизматлар ушбу ДМ орқали олинган бўлса), жисмоний шахснинг яшаш жойи асосида белгиланади (СК 241-м. 2-қ.).

Чет эл юридик шахси Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деб эътироф этилади (СК 36-м. 1-қ.).

Ўзбекистонда ДМни ташкил этишга олиб келувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эл юридик шахси СКнинг 130-моддасида белгиланган тартибда солиқ органида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши шарт (СК 36-м. 16-қ.).

Мазкур вазиятда ҚҚС солинадиган реализация қилиш бўйича айланма юзага келмайди.

Баҳодир БОЙҚОБИЛОВ,
Молия вазирлиги Билвосита солиқлар ва боғжона тўловлари методологияси бўлими бошлиғи.

ЧЕТ ЭЛЛИК ХОДИМГА «КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ» БЎЙИЧА ҲАҚ ТЎЛАШ: БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

? Корхонада меҳнат шартномаси асосида чет эллик ходим – бошқа давлат фуқароси ишлайди. У бетоб бўлиб қолди, ишга чиқмади. Оқибатда – компания директори номига касаллик вақти учун ҳақ тўлашни сўраб ариза ёзди. Корхона ҳақ тўлашни керакми? Чет эллик ходим, корхона унинг асосида ҳисоблашни амалга ошириши мумкин бўлган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини қаердан олиши мумкин? «Касаллик варақаси» бўйича ҳисоблаш қандай амалга оширилади?

– Чет эл фуқаролари – Ўзбекистон фуқаролари каби меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари (МК 14-м.). Чет эллик ходимларга, башарти ишга қабул қилишда барча зарур талабларга риоя қилинган тақдирда Ўзбекистоннинг меҳнат қонунчилигининг амал қилиши татбиқ этилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлашни ва тўлашни МК кафолатлайди (МК 285-м.). Нафақа куйидаги ҳолларда берилди:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);
- санаторий-курортларда даволанганда;
- касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;
- карантинда;
- сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;

• меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда (Низомнинг 9-б., АВ рақами 1136, 8.05.2002 й.).

Ходимга нафақа, агар уни олиш ҳуқуқи иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган даврда, синов даври ҳамда ишдан бўшатилган кунни ҳам кўшиб, пайдо бўлса берилди.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олиш учун компания ходими, мазкур ҳолатда – чет эл фуқароси, яшаш жойи ёки ҳисобга олинган жойидаги давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорига мурожаат қилиши керак.

Хусусий даволаш-профилактика муассасалари, агар уларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни экспертизадан ўтказиш учун етарли малакага эга ходим мавжуд бўлса, меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини беришга ҳақлидирлар.



Нафақа ҳисоблаш	СК бўйича даромаднинг таснифи	СКнинг моддаси	Ижтимоий солиқ таркибида акс эттириши
1136-сон Низом меъёрлари бўйича ҳисоблаш	Бошқа даромадлар	СК 377-м. 15-б.	Ижтимоий солиқ бўйича солиқ базасига киритилмайди
Локал ҳужжатлар бўйича меъёрдан ортик ҳисоблаш	Ишланмаган вақт учун меҳнатга ҳақ тўлаш	СК 374-м. 9-б.	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қиради. Ижтимоий солиқ солинади

Бухгалтерия ҳисоби

Нафақа ҳисоблаш мисолини кўриб чиқамиз.

Ходим (савдо вакили) 1 500 000 сўм иш ҳақига эга. У 8 кун учун касаллик варақасини тақдим этди ва 14 кунни ишлаб берди. Жамоа шартномасига асосан касаллик варақаси учун иш ҳақининг 100%и миқдорида ҳақ тўланади, қонун ҳужжатлари бўйича ҳисоблаш суммасининг 60%ига ҳақ тўлаш лозим.

1. Кунлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқарамиз:

1 500 000 : 22 и.к. = 68 182 сўм.

2. Касаллик варақаси суммасини ҳисоблаб чиқарамиз:

68 182 x 8 и.к. = 545 456 сўм.

3. Ишлаб берилган вақт учун ҳақ тўлашни ҳисоблаб чиқарамиз:

68 182 x 14 и.к. = 954 544 сўм.

4. Бухгалтерия ҳисоби:

Операциянинг мазмуни	Сўмлар корреспонденцияси	Ҳисоблаш суммаси
Иш ҳақи ҳисоблаш	Дт 9410-«Реализация харажатлари» Кт 6710.1-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашлар»	954 544
Нафақа ҳисоблаш 60% (Йўриқнома бўйича меъёр)	Дт 9410-«Реализация харажатлари» Кт 6710.2.1-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашлар»	327 274
Локал ҳужжат бўйича меъёрдан 40% ортик нафақа ҳисоблаш	Дт 9410-«Реализация харажатлари» Кт 6710.2.21-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашлар»	218 182

5. Ижтимоий солиқни ҳисоблаш:
(954 544 + 218 182) x 12% = 140 727 сўм.

Дт 9410-«Реализация харажатлари»

Кт 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»

Тахлилий сўмлар бўйича бундай бўлиш бухгалтерга солиқлар ҳисоб-ки-тобида чалқиб кетмаслик имконини беради.

Саволларга «Profi Training» бизнес-мураббийи, молиявий директори Юлиа ПАКИДИШЕВА (ACCA DipIFR, CAP) жавоб берди.

! Корхона бухгалтери, агар ходим белгиланган шаклда касаллик варақасини тақдим этмаган бўлса, касаллик вақтида ходимга ҳисоблаш амалга ошириши мумкин эмас. Корхона раҳбарининг буйруғи, ўзича, мазкур ҳолатда тўлов учун жиддий асос бўлмайди.

Нафақа миқдори ходимнинг иш стажига боғлиқ ҳолда табақалаштирилади. Стаж меҳнат дафтари ҳисоблаш маълумотлари асосида аниқланади.

Нафақа ходимнинг давлат ижтимоий сўғуртаси бадалларини тўлаганлигига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60%идан 100%игачани ташкил қилиши мумкин (МК 285-м.).

Куйидаги умумий иш стажиди:

• 8 йил ва ундан ортик бўлганда – нафақа иш ҳақининг 80%и миқдорида тўланади;

• 8 йилгача бўлганда – иш ҳақининг 60%и миқдорида тўланади (Низомнинг 28-б.).

Меҳнат кодекси корхонага ўзининг молиявий аҳволидан келиб чиқиб, жамоа шартномасида ёки бошқа локал ҳужжатда вақтинча меҳнатга

лаёқатсизлик варақаси бўйича тўловни меҳнат стажидан ва фуқаролигидан қатъи назар иш ҳақининг 100%и миқдорида белгилашга рухсат беради.

Барча ҳолларда нафақа миқдори энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва унга нафақа ҳисобланадиган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги керак (Низомнинг 30-б.).

Корхона учун меъёрлар бўйича нафақа ҳисоблаш бошқа даромадларга қиради, меъёрлардан ортиги эса – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги харажатларга қиради. Ходим банд бўлган харажатлар марказига ҳисобланади (Дт 2000-«Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи сўмлар» ёки 9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи сўмлар»).


Солиқ ҳисоби

Ушбу харажатлар фойда солиғи бўйича чегирилган харажатлар бўлиши учун (СК 305-м.), уларнинг аҳамиятини корхонанинг Солиқ солиш мақсадидаги ҳисоб сўясатида асослашни тавсия қиламиз.

Компания ССХСда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (хусусан – чет эллик ходимга касаллик варақаси бўйича тўлов) – бу қонун ҳужжатларида (Меҳнат кодекси) келиб чиқадиган харажатлар эканлиги-

ни акс эттириши керак (СК 305-м. 4-қ. 3-б.).

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича ҳисоблашлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг алоҳида сўмларида юритишни тавсия қиламиз. Масалан, агар корхона ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича 100 фозизлик ҳисоблашни тўласа, жисмоний шахснинг даромадлари СК бўйича турли моддаларда таснифланади:



ЧЕТ ЭЛДАН ТОВАР ОЛИБ КИРДИНГИЗМИ – ҚҚС ТЎЛОВЧИСИ БЎЛДИНГИЗ

Айланмадан олинган солиқ тўловчиси шартнома асосида Ўзбекистонга товар олиб кирди. Солиқ органлари у умумбелгиланган солиқлар ва ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши кераклиги тўғрисида уни хабардор қилишди. Бу қанчалик қонуний?

Вазиятни солиқ маслаҳатчиси Гулнора ЭРГАШЕВА тушунтирди.

– Бу ҳолларда солиқ органларининг ҳаракатлари қонуний, ҳатто айланмадан олинган солиқ тўловчиси тижорат фаолиятини амалга оширмаса ҳам.

Мисол учун, яқинда шунга ўхшаш савол билан бош офисидан Ўзбекистонда реклама қилиш учун мўлжалланган компания логотипи туширилган постерлар, буклетлар ва флаерлар олган хорижий фармкомпаниянинг ваколатхонаси мурожаат қилди. Солиқ органлари учун фармкомпанияни ҚҚСга ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилиш учун шуни ўзи етарли бўлди.

Ваколатхонанинг мутахассислари солиқчиларнинг ҳаракатларини ноқонуний деб ҳисоблашди, сабаби уларда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган айланма юзага келмаган. Бирок бу хато нукта назардир: ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриш компанияда солиқ солинадиган айланма юзага келишини аниқлашди.

СКнинг 461-моддаси 2-қисмининг 1-банди бундай вазиятларда солиқчилар ҳаракатининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳизмат қилади. Унда Ўзбекистоннинг боғвона чегараси орқали товарларни олиб киришни (импортни) амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан айланмадан

олинган солиқ татбиқ этилмайдиган дейилган.

Бунда, ҳуқуқий қўллаш амалиёти нукта назаридан ушбу нормада муаммолар борлигига қўшилимаган. Солиқ кодексига бундай вазиятлар учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиш механизми баён этилмаган. Хусусан, ўтиш қайси ойнанинг қайси санасидан эътиборан амалга оширилиши кераклиги белгиланмаган.

Солиқчилар Президентнинг «Солиқ ва боғвона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон) мувофиқ ҳаракат қилишди. Яъни умумбелгиланган солиқларга товарларни биринчи импорт қилиш (олиб кириш) амалга оширилган ойдан кейинги ойнанинг 1 санасидан бошлаб ўтказишди.

Бирок Фармонда бундай вазиятлар учун ўтиш нормалари мавжуд эмас. Солиқчилар бундан мақбул вариант деб ҳисоблаганлари боис шундай йўл тутишди.

Кимдадир бу борада бошқача фикр бўлиши мумкин. Турлича талқин қилиш бўлмағлиги учун ҳеч бўлмаганда бу борада солиқ органлари томонидан расмий тушунтириш олишни истар эдик. Гарчи, албатта, ушбу регламент СКга киритилган бўлганда яхшироқ бўларди.

СОРЖ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

Солиқ органларининг маълумотномалари ва ҳужжатларида «СОРЖ» атамасини учратиш мумкин. Солиқ кодексига бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган. *Vuxgalter.uz* илтимосига биноан бу сўзнинг маъноси ҳақида ДСҚ Бюджет даромадларини пронозлаштириш бошқармаси катта инспектори Диана МҶМИНОВА сўзлаб берди.

– СОРЖ (Солиқ органларини ривожлантириш жамғармаси) – солиқ эмас ва ҳатто тўлов ҳам эмас, балки ДСҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган ҳаракатлар махсус жамғармасига ундириб олинган жарималар ва пенядан ажратма. У ВМнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорининг (12.01.1998 йилдаги 14-сон) 5-банди асосида амалга оширилади ва 2 турда бўлади:

- СОРЖ-99 – солиқ текшируви натижасида СК ва МЖТК асосида солинган санкцияларнинг 40% миқдоридagi ажратма;

- СОРЖ-199 – солиқларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганда ҳисобланган

пенянинг 40% миқдоридagi ажратма (СК 110-м.).

СОРЖни солиқ органларининг ахборот тизими ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ тўловчи солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарз мавжудлигини (мавжуд эмаслигини) солиқ тўловчининг шахсий кабинетиде шахсий карточкада текшириши мумкин. Жисмоний шахс, агар унда жисмоний шахснинг шахсий ЭРИ (электрон рақамли имзоси) мавжуд бўлмаса, ҳисобга олинган жойдаги солиқ инспекциясига мурожаат қилиши мумкин.

Пеня бўйича қарзни сўндириш зарур.

Агар СОРЖ бўйича саволлар бўлса, солиқ органлари инспекторларига ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали мурожаат қилинг.

ЭҲФ:

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ – ИСТИСНО ЭМАС

Контрагент – бюджет ташкилоти электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилмаяпти, бунга ЭРИга (электрон рақамли имзога) эга эмаслиги билан асосламоқда. Бунда ҳамкор ҳужжатни қоғоз шаклда имзолашга рози. Бундай вазиятда тижорат ташкилоти – товарлар ва хизматларни етказиб берувчи қандай йўл тутиши лозим? Тижорат ташкилотиде солиқларнинг ҳисоби ва уларни тўлаш учун асос – қоғоз шаклда ҳисобварақ-фактура ва тақдим этилган, бироқ имзоланмаган ЭҲФнинг мавжудлиги етарлими?

Саволга ДСҚ Камерал солиқ текшируви бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музаффар МУҲАММАДСАИДОВ жавоб берди.

– Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш ва сақлаш тартиби Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга (14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚга 2-илова) мувофиқ белгиланган ва барча учун мажбурийдир.

Ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилади ва уларнинг сақланиши ҳамда ҳисоби юритилиши электрон ахборот тизимида амалга оширилади (Низомнинг 10-банди).

Ушбу ҳужжатнинг 12-бандида истисно кўрсатилган. Ҳисобварақ-фактура давлат сиринга тааллуқли бўлган ҳужжалик операциялари амалга оширилган

да қоғоз шаклда расмийлаштирилиши мумкин.

Низомнинг 10-банди 2-хатбошисига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Унда товарларни (хизматларни) сотиб олувчи фақат электрон шаклда қабул қилинган ҳисобварақ-фактураларда акс эттирилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли эканлиги айтилган.

Етказиб берувчи томонидан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактура 10 календарь кун ичида сотиб олувчи томонидан ЭРИ (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланиши ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилиши шарт. Ушбу муддатда тасдиқланмаган ёки рад этилган электрон ҳисобварақ-фактура тасдиқланган ҳисобланади (Низомнинг 63-банди).



Тадбиркорлар контрагентлардан уларнинг мақоми ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштирилиши ва Низом нормаларига риоя қилишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ушбу талабларни қаноатлантирилиши рад этилиш учун узрли сабаблар – мавжуд эмас, Низомнинг 12-бандида назарда тутилган вазият бундан мустасно.

Агар ташкилотда юридик шахснинг ЭРИ (электрон рақамли имзоси) бўлмаса, уни олиш учун ҳеч нарса ҳалол бермайди. Бунинг учун ташкилот вакили Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиши зарур. Бюджет ташкилотлари учун ЭРИни (элект-

рон рақамли имзосини) расмийлаштириш – бепул.

Эслати ўтиш ўринли бўлади: агар қандайдир сабабларга биноан ҳисобварақ-фактура кечиктириб расмийлаштирилган бўлса, солиқ ҳисоботини қайта топшириш зарур.

Олег ГАЕВОЙ тайёрлади.

✓ ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИЖОБИЙ ШАРОИТЛАР

Маълумки, карантин даврида макрониктисодий барқарорликни сақлаш, иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Президентимиз томонидан бир қатор фармонлар қабул қилинди. Ана шу қонун ҳужжатларининг амалий натижаси ўлароқ жойларда корхоналар фаолияти жонлашиб бормоқда.

Сирдарё вилояти божхоначилари вилоятда фаолият кўрсатаётган ташқи иктисодий фаолият катнашчилари билан учрашувларда мазкур фармонларнинг мазмун-моҳиятини тушунтирмоқдалар, шу билан бирга коронавирус пандемияси даврида ишчиларга яратилган шароитларни ўрганиб, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатиб келишмоқда.

«Wellfort» масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган урашувда вилоят солиқ ва божхона бошқармаларининг масъул ходимлари қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришлар, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган имтиёз ва қулайликлар, божхона назоратини соддаштирилиши, тўловларни кечиктириб тўлаш, шунингдек яширин иктисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан атрофлича маълумотлар беришди.

– Корхонамизда қарийб 800 нафар ишчи-ҳодим фаолият кўрсатади, – дейди жамият раҳбари Алижон Эрматов. – Бир кунда 15 мингдан 22 минггача 7 турдаги тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз. Бундан ташқари, бир қатор хорижий ҳамкорлар билан қўшимча шартномалар имзолаганмики, бу қўшимча иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишга замин яратади.

Корхона 2019 йилда 5,1 млн АҚШ доллари қийматидаги 2,06 млн дона ҳамда жорий йилнинг 10 ойида 4,4 млн АҚШ долларлик 1,4 млн дона трикотаж маҳсулотларини Россия, Туркия, Нидерландия, Италия, Беларусь ва Қозғоғистон давлатларига экспорт қилган.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

ИХТИЁРИЙ СЕРТИФИКАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ МУМКИН

✉ ПОЧТА КЎТИСИ

? *Фирмамиз лок-бўёқ маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланади. Маҳсулотларимиз импорт қилиниб, маҳаллий бозорда сотилади. Декларациялаш жараёнида декларантлар биз харид қилаётган импорт товарларни ТИФ ТН коди тизимига киритишганда тизим мазкур лок-бўёқ маҳсулоти ЎзРда мажбурий мувофиқлик сертификати рўйхатида кирмаслиги тўғрисидаги ахборотни чиқаради. Давлат тизимида ишлайдиган миқозларимиз эса ё Ўзбекистоннинг мувофиқлик сертификатини ёхуд мувофиқлик сертификатининг олиниши мажбурий эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилишди. Бу ўринда миқозлар хорижий сертификатни тан олишмайди. Импорт қилинадиган лок-бўёқ маҳсулотлари сертификатланиши зарурлиги ёки зарур эмаслиги кўрсатилган расмий ҳужжат борми?*

– Ҳа, бундай ҳужжат мавжуд. Бу Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатидир (ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова). Маҳсулотни сертификатлаш тартиби тегишли Низом (ВМнинг 6.07.2004 йилдаги 318-сон қарорига 1-илова) билан тартибга солинган.

Рўйхатда маҳсулот номенклатураси ТИФ ТНга мувофиқ тартибга солинган. У ҳар йили янгиланади ҳамда соғлиқни сақлаш ва истеъмолчилик манфаатларини ҳимоялаш соҳасида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши муносабати билан ўзгариб туради. Одатда, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар декларация билан бирга мувофиқлик тўғрисидаги ихтиёрий сертификатни расмийлаштирилади.

Ўзбекистонда сертификатлаштириш тартиб-таомиллари мувофиқликни тасдиқлашнинг расмий шакли ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқлаш учун берилган ҳужжат – мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришни ўз ичига олади.

Модомики миқозларингиз сертификатланиши мажбурий бўлмаган маҳсулотнинг маҳаллий сертификатлашдан ўтишини талаб қилишадиган экан, сиз ихтиёрий сертификатлаштиришни расмийлаштиришингиз мумкин. Бу тартиб-таомил «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунга биноан маҳсулотнинг норматив ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун аризонининг хоҳишига кўра ўтказилади. Ихтиёрий сертификатлаштириш тасдиқланган ТИФ ТНга кирмайдиган товарларга нисбатан ёки хавфсизлик талабларига кўра ТИФ ТНдан фарқланувчи талабларга мувофиқлик юзасидан текшириладиган мажбурий сертификатлашни лозим бўлган маҳсулотга нисбатан ўтказилади. Ихтиёрий сертификатлаштириш тартиб-таомил аризонининг ташаббуси билан ва мажбурий сертификатлаштириш чизмалари бўйича ўтказилади: дастлаб маҳсулотнинг лаборатория тадқиқотлари амалга оширилади, ана ундан сўнг яқиний ҳужжат тақдим этилади. Мувофиқлик сертификати 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга берилиши мумкин.

Миқозларингиз хорижий сертификатни тан олмай, нотўғри иш қилишади. 2019 йил 1 январдан хорижий сертификатларни тан олиш тартиби ўрнатилди.

Ушбу тартибга кўра, Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синон баёнмалари тақдим этилганда, устав капиталида давлат улushi 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари (эркин иктисодий зоналар ишторокчилари бундан мустасно) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб қирадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ихтисослашган ва қишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хом ашё, материаллар ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилинади (12.12.2018 йилдаги ПК-4059-сон қарорнинг 1-б.).

Бинобарин, 2018 йил 1 сентябрдан Иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан мувофиқлик сертификати берилган, Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган товарларга нисбатан мажбурий мувофиқлик сертификатлаштиришни амалга ошириш талаб этилмаслигини ҳам эслатиб қўйиш жоиздир (29.06.2018 йилдаги ПК-3818-сон қарорнинг 3-б.).

КЕЛИШИДАН БИР СОАТ ОЛДИН ХАБАРДОР ҚИЛИНАДИ

? *Божхона постида бизнинг манзилимизга темир йўл орқали келаётган юклар тўғрисидаги маълумотларни олдиндан киритишни талаб қилишди.*

Буни қайси ҳужжат асосида талаб қилишяпти? Бундай ахборот қаерда бўлади?

– Олдиндан мажбурий тарзда хабардор қилиш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида олиб кириладиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона тартиботларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориди (31.12.2019 йилдаги 1057-сон) назарда тутилган. Қарор автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали Ўзбекистоннинг божхона ҳудудида олиб кириладиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона назорати самарадорлигини таъминлаш, божхона тартиботларини соддаштириш, шунингдек, вақтни ҳамда молиявий харажатларни қисқартириш мақсадида қабул қилинган.

Аввал дастлабки божхона декларацияси тақдим этилган товарларни эркин муомалага чиқариш БЮД рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 3 соат ичида амалга оширилади, бунда хавфларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими томонидан хавф аниқ-

ланган ҳолатлар бундан мустасно (1057-сон ВМҚнинг 1-б.).

Ташувчилар ёхуд товар эгалари ёки товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар ҳаво ва темир йўл транспортида ташилладиган товарлар ва транспорт воситалари, шу жумладан йўловчилар ва уларнинг бағажлари тўғрисида дастлабки электрон тарзда олдиндан ахборотни божхона органларининг ахборот тизимида бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали автомобиль транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтишидан бир соат олдин юбориши шарт (25.09.2018 йилдаги 762-сон ВМҚнинг 2-б.).

Мазкур талабни амалга ошириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан «MySaveCargo» ахборот тизimini шакллантириш бўйича йўриқнома (<https://pei.railway.uz/Home/About>) ишлаб чиқилган. Унда темир йўл транспорти орқали Ўзбекистон божхона ҳудудида келадиган товарлар тўғрисида электрон тарзда олдиндан хабардор қилишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхатини тақдим этиш назарда тутилди.

«MySaveCargo» дастурий таъминоти интернет тармоғида [HTTPS://E-NAKI.RAILWAY.UZ/MYSAVECARGO](https://e-naki.railway.uz/mysavecargo) манзилида жойлашган. Дастурий таъминоти тўлдиришдан олдин янги миқозни рўйхатдан ўтказиш лозим бўлади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

ПОЧТА ҚУТИСИ

АЛОҲИДА ТУРДАГИ ТОВАРЛАР МАРКИРОВКАЛАНИШИ КЕРАК

? *Товарлар давлат тилида маркировкакланиши кераклиги қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланганлигини айтиб берсангиз. Маркировкалар чоғида қандай маълумотлар кўрсатилиши лозим?*

– Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари рўйхати ВМнинг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (13.05.2013 йилдаги 127-сон) билан тасдиқланган.

Фақат товарнинг бир қисми бўлган ва унинг қийматидаги қирувчи истеъмол упаковкисидан (идишда) бевосита чакана савдога тушувчи товарлар мажбурий тартибда маркировка қилинади.

Истеъмол идишига қўйилмайдиган маркировкада маркировка қилинадиган товар тўғрисида қуйидаги тусдаги маълумотлар бўлиши керак:

- асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлар рўйхати;
- ишлаб чиқарилган сана;
- ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари;
- товарларнинг айрим турларидан самарали ва хавфсиз тарзда фойдаланиш қодалари ва шартлари;
- товарни ишлатиш (унинг яроқлилик) муддати ҳамда истеъмолчининг ушбу муддат тугагандан

кейинги зарур хатти-ҳаракатлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

- ишлаб чиқарувчининг (бажарувчи, сотувчининг) ва истеъмолчидан даъволарни қабул қилиш юзасидан улар томонидан ваколат берилган, шунингдек таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи корхоналарнинг манзиллари;
 - сақлаш, хавфсиз утиллаштириш усуллари ва қодалари;
- ВМнинг 9.04.2015 йилдаги 86-сон қароридан назарда тутилган маиший электр приборлари учун энергия самарадорлиги классификацияси.
- Истеъмол упаковкиси (идиши) (этикетка, бирка, лейбл)да ва ис-

теъмолчи учун фойдаланишга доир илова ҳужжатларидаги ахборот, товарнинг тури ва техник жиҳатдан мураккаблигига қараб, бевосита муайян товарга матн кўринишидаги ҳужжат (паспорт, формуляр, қўллаш учун кўрсатма ва бошқалар) сифатида илова қилиниши керак.

Маълумот учун. Мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан республика ҳудудида сотилиши тақиқланади. Мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан сотилиши ҳолларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилган ҳолда, савдо қодаларини бузиши (ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни сотиши) сифатида қаралади.

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

ВАГОННИНГ ТАГИДА ДЕБ КИМ ЎЙЛАБДИ?

Транзит тарзида олиб ўтилаётган 172,5 кг гиёҳвандлик воситалари йўлига ғов бўлиб...

Давлат божхона кўмитаси Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» темир йўл чегара-божхона пости ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Чегара қўшинлари билан ҳамкорликда йирик микродордаги гиёҳванд моддаларининг республика миқдорида ҳудудидан қонунга хилоф тарзда олиб ўтилишига бўлган уринишни фош этишти.

Қўшни давлатдан кириб келган ва республика миқдорида транзит тарзида ўтаётган юк поезди инспекцион кўрик мажмуаси орқали божхона кўригидан ўтказилганда, вагонлардан бирининг шубҳали сканер тасвирлари божхона ходимларининг эътиборини торти.

Мазкур вагон кинология ходимларининг хизмат итлари ёрдамида чуқурлаштирилган божхона назоратидан ўтказилганда вагоннинг остки қисмида махсус хуфиёна жойлар тайёрланганлиги аниқланди. Ана шу жойлар белгиланган тартибда очиб кўрилганда эса уларнинг ичига қора рангли целлофан пакетларга скотчланган ҳолда 23 дона 5 литрлик сизимга эга елим идишлар яширилгани маълум бўлди.

Елим идишларнинг 4 тасига оқ рангли ўткир хидли қарийб 12 кг оғирликдаги героин, 2,5 кг дан ортиқ гашиш ҳамда 19 дона елим идишлар-

га жигарранг тусдаги ўткир хидли 81,3 кг ҳажмдаги гашиш мойи солинган экан.

Шундан сўнг вилоят божхоначилари ДХХ, Чегара қўшинлари ҳамда ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбирни давом эттириб, «Дарбанд» темир йўл станциясида мазкур поезд таркибидан бўлган яна бир вагонни текширувдан ўтказишти.

Натижада бу вагоннинг ҳам остки қисмида темир листлар ёрдамида тайёрланган махсус хуфиёна жойда қора рангли целлофан пакетларга скотч билан ўралган жами 21 дона 5 литр ҳажмдаги полиэтилен идишлар яширилганлиги ва уларнинг ичига 30 кг 648 грамм гашиш моддаси ҳамда 45,9 кг гашиш мойи мавжудлиги аниқланди.

Ўтказилган тадбирлар давомида қарийб 172,5 кг оғирликдаги гиёҳванд воситаларнинг республи-

ка миқдорида ҳудудидан яширин равишда ўтказилишига чек қўйилди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан жиноят иши кўзга тилиб, тегишли тергов органларига юборилди.

Таъкидлаш жоизки, божхона соҳасига энг илғор замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда «рақамли божхона»га ўтиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, шу каби қонунбузарлик ҳолатлари олдини олиш мақсадида республика миқдорида божхона постлари юк автотранспорт воситалари, темир йўл поезди ва вагонларини назорат-рентгендан ўтказишга мўлжалланган жами 19 та инспекцион кўрик мажмуалари билан таъминланган.

ДБК Ахборот хизмати.



«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p>СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқadi.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета ношир – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табақ. Баҳоסי келишилган нарҳда. Буортомга г-1115. Адади 615. Газета 2020 йил 9 ноябрь соат 17.00 да топширилди.</p>
--	--	--	---	---